

ҚАДР КЕЧАСИНИНГ ҚАНДАЙ ХОСИЯТИ БОР?



Жавоб: Рамазони шариф ойи ичидаги энг қийматли кечадир. Баъзи олимларга кўра мавлуд кечасидан кейинги энг қийматли кечадир. Қадр кечаси фақат бу умматга хосдир. Бошқа пайгамбарларга бундай фазилатли кеча берилмаган. Бир ҳадиси шарифда “Аллоҳу таоло қадр кечасини умматимга ҳадя этди, бошқа умматга бермади” деб марҳамат қилинди. (Дайламий)

Расулulloҳга ўздан аввалги инсонларнинг умрлари қанча бўлганлиги билдирилганда ўзининг умматининг умри қисқалигини, узун умрли бўлган бошқа умматлар ишлаган солиҳ амалларни ишлай олмаслигини ўйлаганида Аллоҳу таоло унга минг ойдан хайрли бўлган қадр кечасини эҳсон этди. Аллоҳу таоло “Қадр кечаси сенинг ва умматингники” деб буюриб, Ҳабибни хурсанд қилди. (И.Малик)

Расулulloҳ жанобимиз “Бани Исроил пайгамбарларидан 80 йил доимо ибодатда бўлган” деганларида Асҳоби киром хайратда қолдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб “Ё Расулulloҳ, умматинг у пайгамбарнинг (бошқа ишлардан ташқари) саксон йил ибодатда бўлганига хайрат қилишмоқда. Аллоҳ сенга бундан яхшисини берди” деб “Қадр кечаси минг ойдан хайрлидир” маолидаги ояти каримани ўқиди. (Рияд-ун-насихин)

Балоғатга етиб, 50 йил яшаган киши 50 марта қадр кечасини бошидан ўтказади. Бир кеча саксон йил қийматида бўлгани учун $50 \times 80 = 4000$ йилни ташкил этади. Тўрт минг йил ибодат этгандек савобга қовушади. Қадр кечаси ҳақидаги ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

“Тўрт кечаниннг кундузи ҳам кечаси каби фазилатлидир. Аллоҳу таоло бу кунларда дуо этган кишининг дуосини рад этмайди, уларни мағфират этади ва улар бу кунни мўл эҳсонга эга бўладилар. Булар қадр кечаси, арафа кечаси, барот кечаси, жума кечаси ва кунларидир.” (Дайламий)

“Аллоҳу таолодан савобини умид қилиб, қадр кечасини ибодат билан ўтказган кишининг гуноҳлари кечирилади.” (Бухорий, Муслим)

“Қадр кечасида бир марта қадр сурасини ўқимок бошқа вақтда Куръони каримни хатм этишдан ҳам савоблироқдир. Қадр кечасида бир субхоналлоҳ, бир алхамдулиллоҳ, бир ла илоҳа иллаллоҳ айтиш 700 минг тасбиҳ, таҳмид ва тахлилдан қадрлидир. Бу кеча бир кўйни соғадиган вақт қадар (бироз вақт) намоз ўқимок, ибодат этмоқ, бир ой бутун кечалари билан тонгга қадар ибодат этмоқдан ҳам қийматлидир.” (Тафсири мугни)

“Қадр кечаси уч марта “Ла илоҳа иллаллоҳ” деб айтган мусулмоннинг биринчисида бутун гуноҳлари кечирилади, иккинчисида Жаҳаннамдан қутилади, учинчисида Жаннатга қиради.” (Тафсири мугни)

Савол: Қадр кечаси Рамазон ойининг 27 кечаси эканлиги қатъийми?

Жавоб: Йўқ, қатъий эмас. Қадр кечаси рамазон ойининг ичида. Қадр кечасининг қайси кеча эканлиги аниқ маълум эмас. Олимларимиз “Аллоҳу таоло розилигини тоатда, ғазабини гуноҳларда, ўрта намозини беш вақт намозда, авлиёсини халқ орасида, қадр кечасини рамазон ойи ичига яширган” деб айтадилар.

Шундай экан, Аллоҳу таолонинг розилигига қовушиш учун ҳеч бир яхшиликни кичик кўрмаслик керак. Ғазоби гуноҳлар ичида яширингани учун ҳеч бир гуноҳни кичик кўрмаслик лозим, ўрта намозни қўлдан чиқармаслик учун беш вақт намозни ўз вақтида ўқиш керак, авлиё халқ орасида шарингани учун ҳар бир кимса билан яхши муомалада бўлиш лозим. Ҳар кўрганни Хизр, ҳар кечани қадр билиш керак.

Рамазони шариф ойининг 27 кечасини ибодат билан ўтказиш жуда савоблидир. Бир неча ҳадиси шарифнинг маънолари қуйидагича:

“Қадр кечасини рамазоннинг сўнгги ўн кунидан изланг.” (Муслим)

“Қадр кечасини рамазоннинг сўнгги ўн кунининг 21, 23, 25, 27 ва 29 каби тоқ кечаларида ёки рамазоннинг сўнгги кечасида изланг. Савобидан умид қилиб, қадр кечасини ибодат билан ўтказган кишининг гуноҳлари кечирилади.” (И.Аҳмад)

“Қадр кечаси рамазоннинг 27 кечасидир.” (Абу Довуд)

Имом Аъзам ҳазратлари қадр кечасининг рамазоннинг 27 кечасига кўпроқ тўғри келишини билдирган. “Қадр кечасига тўғри келадиган бир кечани ибодат билан ўтказган, қадр кечасини ибодат билан ўтказгандек савобга эришади” ҳадиси шарифни назарда тутиб, кўп тўғри келадиган 27 кечани ибодат билан ўтказса, бу кеча қадр кечаси бўлмаса ҳам буюк са-

вобга қовушади. Қадр кечасини сўраган бир зотга Пайгамбар жанобимиз “Бу йил қадр кечаси рамазоннинг илк кечаси эди, ўтиб кетди. 27-кечаси ибодат билан ўтказганга вужудидаги туклар сони қадар ҳаж, умра, шахид ва ғозий савоби берилди” деб марҳамат қилдилар. Бошқа бирига ҳам “Бу йил қадр кечаси ўтиб кетди. Фақат рамазоннинг 27-кечасини ибодат билан ўтказ. Қадр кечаси савобига қовушасан. Шафоатдан бенасиб қолмайсан” деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Оиша волидамизга ҳам “13-кеча эди ўтиб кетди. Қадр кечасини ўтказиб юборсанг, 27-кечага етишасан. У кечани ибодат билан ўтказсанг, охираг йўли учун озик сифатида шу кечадаги ибодат сенга етади” деб айтдилар. Ҳазрати Оиша волидамиз ҳам “Расулulloҳ рамазоннинг сўнгги ўн кунлигида кўп ибодат этардилар” деган. (В.Нажот)

Муборак вақтларда гуноҳлардан узок туриш, тоатларни, ибодатларни ва ҳар турли хайрли ишларни кўпайтириш керак. Чунки Аллоҳу таоло тарафидан севиладиган кимса хосиятли вақтларда хайрли амаллар билан машғул бўлади. Душман бўлган қули эса хосиятли вақтларда ёмон ишлар билан машғул бўлади. Ёмон ишлар билан шуғулланганнинг бу иши унинг азобининг янада шиддатли бўлишига ва Аллоҳу таолонинг унга янада кўпроқ душман бўлишига сабаб бўлади. Чунки у бу ҳаракат билан вақтнинг баракатидан маҳрум қолган ва унинг ҳурмати, шарафини ерга урган бўлади.

Бу кечада ибодат қилишда илм ўрганиш, масалан, илмихоло китобларини ўқиш, қазо намозларини ўқиш, Куръони карим ўқиш, дуо-тавба этиш, садақа бериш, мусулмонларни севинтириш, бунинг савобларини ўлик-тирик барча мўминларга бағишлаш керак.

Қадр кечасини ибодат билан ўтказганнинг, рамазон рўзасини тутганнинг, ҳажи қабул бўлганнинг бутун гуноҳлари авф этилса ҳам намоз, рўза ва қул ҳақлари тўланган бўлмайди. Буларни қазо этиб, тўлаб, қарздан қутулиш керак.

Расулulloҳ жанобимиз қадр кечасида “Аллоҳумма иннака афуввун каримун туҳиббул афва фафу анни” дуосини ўқиш кераклигини билдирган. Бунинг маъноси “Ё Раббим, сен авф этувчисан, каримсан, авфни севасан, мени ҳам авф эт” деганидир.

Савол: Қадр кечасида бир кунлик қазо намозини ўқиган минг ойлик қазо намозини ўтаган бўлиши айтилади. Ҳеч намоз ўқимай фақат рамазонда ҳар кеча бир кунлик қазо намозини ўқиган қадр кечасини топади. Минг ойлик (83 йиллик) қазо намозини ўтаган бўладими?

Меърож кечасида 100 ракат нафила намоз ўқиганнинг бутун намоз қазолари кечилиши ҳам айтилади. Мўътабар китоблардан нақл этилмаса, шу каби қатга хатоларга йўл қўйилади.

(Давоми кейинги саҳифада)

ҚАДР КЕЧАСИНИНГ ҚАНДАЙ ХОСИЯТИ БОР?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳадиси шарифда “Қабул бўлган ҳаж ўтган гуноҳларни йўқ этади” деб марҳамат қилинди. (Байҳақий)

Қадр кечасини ибодат билан ўтказганнинг, рамазон рўзасини тутганнинг, ҳажи қабул бўлганнинг бутун гуноҳлари авф этилса ҳам намоз, рўза ва кул ҳақлари тўланган бўлмайди. Буларни қазо этиб, тўлаб, қарздан қутулиш керак. (Ҳадика)

Гуноҳларининг авф бўлиши учун ахли суннат эътиқодида бўлиш, бидъат ишламаслик лозим. Бу кечада ибодат қилишда илм ўрганиш, масалан, илмиҳол китобларини ўқиш, қазо намозларини ўқиш, Қуръони карим ўқиш, дуо-таваба этиш, садақа бериш, мусулмонларни севинтириш, бунинг савобларини ўлик-тирик барча мўминларга бағишлаш керак.

Савол: Қадр кечасининг аломатлари нима? Қадр кетишини кутиш учун Рамазоннинг кечаларини қандай қийматлантириш керак?

Жавоб: Рамазон ойининг ҳар бир кечасини қадр кечаси билиб ҳаракат этса, қадр кечасини яхши кутиб олган ҳисобланади. Ҳар куни энг қамада қуйидагиларни қилиш керак:

1. Хуфтон намозида фотиҳа сурасидан кейин зам сура сифатида Қадр сурасини ўқиш.
2. Қадр кечаси ўқиладиган дуони ўқиш;
3. Бир-икки саҳифа Қуръони карим ўқиш;
4. Илмиҳолдан бир-икки саҳифа ўқиш;
5. Оз бўлса ҳам садақа бериш;

6. Саҳарга яқин икки ракат намоз ўқиб, силсилаи олиядаги олимларга дуо этиш;

7. Кундузи ҳам кечаси каби қийматли бўлгани учун хурмат кўрсатиш лозим.

Қадр кечасининг аломатлари:

Қадр кечаси очик ва сокин, на иссиқ, на совуқ бўлади. Эртасига куёш қизил бўлиб, кўзни оладигандек порламасдан чиқади. Қадр кечасида итлар вовулламайди деган олимлар ҳам бор. Убайд бин Умар ҳазратлари айтади: Қадр кечаси денгизда эдим, денгизнинг сувини ичдим, шўр эмасди. Ширин ва хуш таъмли эди. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинадики:

“Қадр кечаси очик ва мулоим бўлади. Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас. Эртасига куёш заиф ва қизил бўлиб чиқади.” (Табароний)

“Қадр кечасининг эртасига куёш кўзни олмайдиган бўлиб чиқади. Кўтарилгунга қадар қатта бир лаган каби бўлади.” (Муслим)

“Қадр кечаси очик бўлади, совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас. Булут, ёмғир ва шамол бўлмайди. Бу кечанин аломати эртасига куёш заиф бўлиб чиқади.” (Табароний)

Савол: Қуръони каримнинг қадр кечасида туширилгани Қадр сурасида билдирилган. Энди бу кеча нима учун ҳамма вақт бир кунда эмас, Рамазон ойининг турли кунларида келади? Нимага доим бир кунда бўлмайди? Камарий оилар ҳам шундай. Рамазон ойи ёзга тўғри келганидек, қишга ҳам келади. Нимага доим бир вақтда бўлмай, йилнинг бутун ойлари айланаб чиқади?

Жавоб: Аллоҳу таоло кўкдаги ойни бутун йилни айланадиган қилиб яратган. Камарий йил 354 кундир. Шамсий йилга қараганда 10 ёки 11 кун кам. Шунинг учун ҳар сафар камарий ой 10 кун аввал келади. Шу тариқа бутун йилнинг ойлари айланаб чиқади. Аллоҳу таоло шундай истаган. Рамазон ойи ҳам шу тариқа йилнинг энг узун, энг қиска, энг совуқ, энг иссиқ кунларига тўғри келади. Исломият бир минтақа учун эмас, бутун дунёга келган. Иссиқ ёки совуқ ўлкалар ҳам бор. Кундузлари ёки кечалари қиска ва узун ерлар ҳам бор. Барча учун айни бир вақт бўлса эди, мусулмонларнинг иши қийин бўларди. Шулар каби бир қанча хикматлари бўлиши мумкин.

Аллоҳу таоло Қадр кечасини яширган, яъни Рамазон ойининг турли кунларига қўймоқда. Бир йил Рамазоннинг биринчи кечасига қўйса, кейинги йил Рамазоннинг еттисига қўйиши мумкин. Бошқа кечалар каби фалон ойнинг фалон куни деб аниқ билдирмаган, яширган. Бу кечанин ойлари билан алоқаси йўқ, кечалар билан алоқаси бор. Рамазоннинг 27-сида Қуръони карим нозил бўлган бўлса, бу йил Қадр кечаси Рамазоннинг 3-сига олинган бўлиши мумкин. Демак, бу муборак кеча Рамазоннинг Зига тўғри келади. ой тушунчасидан четга чиқиш керак. агар Аллоҳу таоло истаганида эди, ҳар ойга бир дона қўярди ва ҳар ойда Қадр кечаси бўлиши мумкин эди. Қуръони карим нозил бўлган бу кечани ҳар ой нишонлардик. Илк марта Қуръони карим нозил бўлган кечанин хосиятини, фазилатини ва баракатини Аллоҳу таоло ҳар йили бошқа кечага беради.

UZWEBISTON: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГАЗДАН КЎМИРГА МОСЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ҳукумати Хоразм вилоятида кўмир ва суюлтирилган газдан фойдаланишда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, қарор қабул қилди.

15 июлда қабул қилинган ҳужжатга кўра, республиканин шимолий минтақасидаги аҳоли шу йилнинг охирига бориб табиий газ ўрнига кўмир ва газ баллонлардан фойдаланишга ўтади.

Ҳукумат қарори кўплаб оммавий ахборот воситаларида мамлакатда газ қазиб олиш қисқарганига қарамасдан, Марказий Осиё давлатлари Хитойга газ экспортини ошираётганлари ҳақидаги хабарлар чикқанидан сўнг қабул қилинган.

Экспорт ҳажмининг тўхтовсиз оширилиши ва қазиб олинаётган газ миқдорининг камайиши қиш мавсумида аҳоли учун жиддий газ танқислигини англайди.

Газ танқислиги ҳақидаги хабарлар манзарасида, Ўзбекистонда кўмир ва энергия олишининг бошқа муқобил манбаларидан фойдаланиш кўпаяётгани кузатилади.

2012 йилнинг августда Ўзбекистон Марказий Осиё-Хитой қувури орқали йилига 30 млрд кубометр газ экспорт қилишни бошлади. Марказий Осиё-Хитой газқувурининг қурилиш кетаётган учинчи ўзбек линиясида экспорт ҳажмини сезиларли ошириш кўзда тутилади.

Uznews.net сайти 2012 йил 13 сентябрда берган хабарга кўра, Ўзбекистон Хитойга йилига узатадиган газ миқдори 10 млрд кубометрни ташкил қилган.

12news.uz сайти маълумотларига биноан, мамлакат 2012 йил август ойида аллақачон 700 минг долларлик табиий газ экспорт қилишга улгурган.

Ўрта Осиё газини асосан Оврўпога экс-

порт қиладиган Россиядан фарқли ўлароқ Хитой Ўзбек газини ўз маҳаллий истеъмолчилари учун ишлатади.

Мустақил Uzmanet.com сайтига кўра, Хоразм минтақасини кўмир ишлатишга ўтказиш қарори Ўзбекистон ҳудудида табиий газ танқислиги билан боғлиқ. «Энергия ресурслари таъминотидаги деградация бутун Фарғона вилояти, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкентнинг маълум бир қисмига таъсир қилди, деб ёзади веб саҳифа.

Узметрономга кўра, ўзбек халқи ўзгази Хитойга экспорт қилиниши боис, энди куни тезакка қолади.» Ҳукумат бунинг ички иқтисодий манфаатлари ҳисобига амалга оширмақда, деб ёзилади унда.

Uzmanet.com шунингдек ўзбек оммавий ахборот воситаларини Хоразм вилоятидаги 2011-2012 йиллардаги ҳақиқий аҳвол ҳақида сукут саклаганликда айблади. Ҳаво ҳарорати -22 бўлган пайтда «Одамлар қандай қилиб уйлари иссиқ бўлмаса, бу совуқ ҳавога чидашлари мумкин?,- деб савол қўяди Узметроном муҳаррири.

Ўзбекнефтегаз ширкати бошқаруви раиси Шоқир Файзуллаев ички бозорда газ билан таъминлашда узлишлар вужудга келгани ҳақида гапирар экан, ўтмишда газ қувурлари техник имкониятлар ва газ таъминоти миқдорини чамаламасдан қурилганини таъкидлайди.

Жаноб Файзуллаев муаммони ечиш учун газ тақсимлаш тизими ва газ таъминотига масъул ширкатларнинг фаолиятини модернизациялаш кераклигини айтади. Истеъмолчилар фойдаланилган газ ҳақини ҳам ўз вақтида тўлашлари лозим, дейди у.

Айни пайтда Ўзбекистонда энергия-



нинг бошқа манбалари- куёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ҳам қўриб чиқилаётгани айтилади.

Маълумотларга биноан, Ўзбекистон халқаро ва хорижий ташкилотлардан энергетика иншоотларини замонавийлаштириш ва янгиларини қуриш учун кредитлар олишда давом этмоқда.

12uz.com сайтига кўра, 2013 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбеккўмир Хитойнинг Эксимбанки томонидан берилган 89,5 миллион доллар қарз ёрдамида Сурхондарё вилоятига кўмир ишлаб чиқаришни кўпайтириш хабар қилинади.

Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси эса уйини иситиш ва овқат пишириш учун ўтин ва тезакдан фойдаланаётганига анча йиллар бўлиб қолган.

Шу ўринда таникли шоирнинг «ўзгазини четга сотиб таппи ёққан ўзбегим» сатрлари беихтиёр хаёлга келади.

Ўзбегим чидайди асосийси четдагилар совқотмасин.

**“Олмазор тумани прокурори
жиноятларни яширмақда” номли
мақолага қўшимча изоҳ**

Олмазор тумани прокуратурасининг тумандаги жиноятларни қўллаётгани ташкилотлардан пораларни... очикдан-очик талаб қилишаётгани хақида куйида мисоллар тасдиқлайди.

2012 йил куз ойида Тошкент шаҳар Олмазор туман Халқ таълими (туманда ҳеч бир мактаб йўқки хар ойда мактаб-синф ремонти... фонди никобида пул йиғими, хатто ота-оналар кенгашининг сохта ишланган мажлис баённомаларини рўқач қилиб мажбур-зулм қилишади) мудири Мухайё Саидовна ўқитувчилардан пахта учун пул йиғиб, ўзида олиб қолган. Унинг бу иши бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлса-да, ҳомийси туман прокурори К.И.Таджикуловнинг кўмаги ҳисобига иш “бости-бости” қилинади. 2013 йил бошидан у Тошкент шаҳридаги 159-мактаб директори лавозимига тайинланади.

Олмазор туманида жойлашган имконияти чекланганлар 102-мактаб интернатига бухгалтер Сотиева Мактуба ҳодимларга ойлик маош беришда икки бил ведомост ишламоқда. Улардан биттаси ҳақиқий бўлса, иккинчи сохта ҳисобланади. Сохта ведомостда ойлик маош ҳақлари камайтирилган ҳолда ҳодимларга имзо қўйдирилади. Ҳақиқийсида эса ойлик маош рақамлари ўзгартирилиб, ҳодимларнинг ўрнига сохта имзолар қўйилади. Кассир Ҳамида исмли аёл билса-да, буни маълум қилишга кўрқади (нима порани олаётган прокуратурага айтадими). Ҳодимларнинг ойлик иш ҳақлари банкдан ўз вақтида олинсада, ҳодимларга икки ҳафтадан сўнг тарқатилиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бу вақт оралиғида ушбу пулдан нималарда... фойдаланади. Прокуратура текшируви ҳолатида (2013

И.КАРИМОВНИНГ ТАЪСИРИ СУСАЙИБ БОРАЁТИР

йил 15 июль) ҳам аҳвол шундайлигича қолмоқда. Гўёки ойлик маошлардан ўғирлаган пулларни прокуратурага “тухфа”... сифатида беришади, шекилли.

Олмазор тумани худудида жойлашган Тошкент шаҳар 1-сон сил касалликлари клиник шифохонасида Бош шифокор Якуббеков Т.Ю., Бош иқтисодчи Мурашқина Людмила Владимировна ойлик маошларни талон-тарож қилиб, прокуратура томонидан Июль ойида бир неча миллионлаб камомат аниқланган сўнг ўрнини гўё “Прократура 88 миллион сўмга (авваллари долларда эди) жарима килди”, деб шифохона ҳодимларидан ёппасига пул йиғиш ишлари 2013 йил 20-июлдан бошланди. Масалан, врачлардан 300 минг сўм, ҳамширалардан 125 минг сўм, санитаркалардан эса 75 минг сўм миқдорида пул бериши белгиланди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани М.Фозилов жамоа хўжалиги худудида томорка ерларни талон-тарож қилиниб, одамларга ноқонуний сотиш ишлари амалга оширилган. Бу ишга Ўзбекистон қаҳрамони Позилов Искандарни (унинг қайниси Норхўжа Олмазор туманида Халқ таълими мудири бўлиб ишлаган бўлиб, ҳозирда 326-мактаб директори) аралаштирган ҳолда Олмазор тумани собиқ ҳокими Бахтиёр Ҳақимович бошқош бўлади. Бу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлсада, Олмазор тумани прокурори К.И.Таджикулов аралашуви ҳисобига “бости-бости” қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг жияни, Эгамбердиева Зарифа илгари Олмазор тумани прокуратурасида К.И.Таджикулов кўл остида прокурор ёрдамчиси вазифасида ишлаган. Кейинчалик у Тошкент шаҳар прокуратурасига ишга ўтади.

Одамлар йиллар давомида меҳнат

қилиб, бир қарич ерга зор бўлган бир пайтда айрим раҳбарлар 5-6 Уй-жой, дачаларга... (гектарлаб) осонлик билан эгалик қилишмоқда. Уй-жой учун ер участкалари ажратиш тўғрисида оддий фуқаролар учун ҳам қарорлар чиқарилган бўлса-да, уларга берилмай ИИВ, прокуратура... ҳодимларига” арзонгаров” сотиб бўлинган.

Масалан, илгари ИИВда жиноят ишлари Бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган генерал Тошмухамедов Қобил тасаруфида 4Х6 норма=24 сотих Уй-жой ер (Носир Исмли “малаги”бошқаради) (М Фозилов ж.х. “Ислом Бахромов “ номли махалла 3-тор кўчасида) мавжуд. Вахоланки, унинг 5-бта квартира, дачалари... ҳам бор. “НУР” Агрофирмаси раҳбари (яқинда ерларни сотгани учун қамалиб чиққан) Баходир Боймухамедовнинг бир неча ер майдонларини ўз тасаруфига (бошқа кимсалар номига хужатлаштирган) олган.

Прокуратура очик поралар талаб қиляпти (мудати ва валюта ёки сўмдалиги белгилаб) акс-холда “ахволини танг”... қилишади. СУД ва Прокуратурадагилар Ҳақиқий вазифаларини аллақачон “унутганлар...”.

Аксарият Давлат раҳбарларининг ўзи қуйи бўғинларда очикдан-очик ўғрилиқ талон-тарожликни авжига чиқарганлар. Хаттоки фуқароларни ўлдириб... юборишаётгани билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ.

Афтидан Давлат мулозимлари БМТни... ҳам “сотиб” олишган кўринади.

1.ЎЗХДП; 2.АДОЛАТ; 3.Миллий Тикланиш; 4.УзЛиДеП “ПАРТИЯ”ларни боқиб ҳам “ХУКУМАТ... КАСАБА” кўмитаси буйруғи... билан меҳнатқаш халқ бўйнига юкланган.

Раҳмат Қўчқоров

ИЛГАРИ КОММУНИСТ БЎЛА ОЛМАГАНДИК, ЭНДИ МУСУЛМОНЛИКНИ ЭПЛОЛМАЯПМИЗ

Биз ўзбеклармиз ва бизга нима керак? Кўп пул топиш имконлари бўлсин ва тўю-томошалар қилайлик, шунинг ўзи бас! Қайси замонда бизга бунақа сифат юқди экан, ҳануз билполмайман. Боз устига биз лоқайдлармиз. Ўзбекистонда нималар бўлаяпти, нималар ўзгараяпти, чет эллардачи?.. Буларнинг бирортасига ҳаттоки муносабат билдиришга ҳам қодир эмасмиз. Пана-пастқамда, ҳаққа бир чўқиб, атрофга ола-зарак қараб олгани каби, фикр-мулоҳазалар қилиб қоламиз гоҳида. Лекин катта минбарларга ўзбек учун йўл йўқдай.

Ватандаги режимни ҳамма баробарига ёмон кўради, аммо ўша режимга қарши бирор фаолият олиб бориш ҳақида гап кетганида, кўпчилик 180 градусга ўгирилиб, ҳамма ҳар ёққа тарқалиб кетади. Эътибор қилинг, ҳозирда бизнинг миллий ўзлигимиз йўқолиб кетаяпти.

Йўқолиб бўлди десак ҳам бўлаверади менимча. Ўзбеклар ёппасига мардикор бўлган замонлар иларилари бўлмаган. Қизларимиз фоҳишалик қилиб кун кўргани тарихимизда ҳеч учрагани борми? Буниси ҳам йўқ. Афсуски, бунақа қисматга ҳам рози бўлиб қолдик.

Бизни на бирор сиёсий ғоя ва на бирор дин ўзгартира олмас экан. Бир вақтлар ўйлагандим, Ислом дини сабаб одамлардаги минталитет ҳам ўзгариб кетади деб. Қайда! Исломни ҳам ўзгартириб юбора оладиган даражадаги устамон «олимплар» эканмиз.

Муқаддас Рамазон ойида ҳам ёлғонни бемалол гапириб юраверадиган «мусулмонларимизни» учратаман гоҳида. Фойда учун улар бемалол ёлғон айтадилар, ёки ҳақиқатни яшириб қоладилар. Пул учун! Бу пуллари уларга қиёматда наф бер-

маслигини билишади. Лекин негадир иймонларига, динларига хиёнат қилаверишади. Ва икки энлик соқолни ўстириб, виқор билан ўзбеклар орасида бош кўтариб юришдан ҳам уялишмайди.

«Ҳақ гап туққанинга ёқмайди» дейишади. Бироз хасталик сабаб, бир неча йилларки, рўзадор ҳам бўла олмаяпман. Яъни, савобдан қуруқ қолиш ҳам гапми, балки гуноҳга ҳам ботаётгандирман. Бу ҳақиқатни келтириш билан ўша гуноҳга, ёки ўша қуруқ қолганим савобга каффорот истаётгандирман. Лекин мен билгувчи эмасман!

Биз илгари коммунист ҳам бўла олмагандик — гарчи кўкрак чўнтагимизга партия билетини солиб, виқор билан юра олган бўлсак-да. Худди шундай, биз бугун мусулмон ҳам бўла олмадик — гарчи соқол ўстириб, намоз ўқиб, рўза тутиб, ҳаттоки ҳажга бориб виқор қилиб юрган бўлсак-да. Мана шунинг учун ҳам миллат боши хорликдан чиқмаётгандир.

Тўлқин Қораев

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛГАН



Шу мақсадда республика телевидениеси намоиш этган қатор кўрсатувларда интернет тармоқлари орқали экстремистик диний мафкура тарқатилаётгани қораланган.

Кўрсатувда иштирок этган диний экспертлар ҳозирги пайтда интернетни тўлиқ назорат қилиб бўлмаслигини айтиб, ота-оналарни фарзандлари қандай веб саҳифаларга қираётганини назорат қилишларини уқтиришади.

«Агар ота-она ўз боласини нималарга қизиқишини билиб тўғри йўналтира олса,

Ўзбекистон хавфсизлигини сақлашга қатга хизмат қилган бўладилар», деб таъкидлайди Исломиёв тадқиқотлар маркази илмий ходими Илҳом Бекмирзаев.

«Жарга туташ йўл» кўрсатувида қатнашган Вазирлар маҳкамаси қошидаги диний ишлар бўйича қўмита ходими Шавкат Ҳамдамов эса Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиққан пайтларида ҳам фақат мамлакатда чоп этилган диний адабиётлардан фойдаланишларини маслаҳат беради.

Хабарларга қўра, айна пайтда уйларида диний китоб ва шу мавзудаги аудио-видеолар сақлаган фуқаролар махсус хизмат ходимлари томонидан таъкиб қилина бошланган.

Жумладан, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги тўрт хонадон милиция ва маҳалла оқсоқоллари томонидан текширилиб, диний адабиётлар олиб кетилган, деб хабар беради Forum18сайти.

Насроний динига оид юздан ортиқ китоблар Тошкентдаги диний ишлар бўйича қўмитага жўнатилгани, у ерда

мусодара қилинган китоблар «миссионерлик фаолияти» ва «экстремизм» ни тарғиб қилади, деб топилгани хабар қилинади.

Диний қўмитага қўра, Ўзбекистонда ўзбек тилидаги миссионерлик адабиётлари бугунги ёшлар онгига энг кўп хавф солади.

Ўртачирчиқ туман жинойт маҳкамаси диний адабиётлар мусодара қилинган фуқароларни «жамоат тартибини бузиш» да айбдор деб топиб, 18,4 миллион сўм (9000 минг доллар) жарима белгилаган.

Бундан олдинроқ, Ўзбекистонда «Вояга етмаганларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этувчи ахборотлардан химоя қилиш тўғрисида» ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тахлилчилар ушбу қонун билан ҳукумат Ўзбекистонда ахборот олиш ва тарқатишни янада назорат остига олишини таъкидлайдилар.

Информацион оқимнинг давлат назоратида бўлмаётгани ва фуқароларнинг ижтимоий тармоқларда фаоллашиши ҳукуматни кўпроқ хавотирга солиши мумкин.

bbc.co.uk

МИЛЛАТ ЎЗ ҚАДДИНИ КЎТАРМАС ЭКАН, УНИНГ БОШИ ХЎРЛИКДАН ЧИҚМАЙДИ

Таникли рус сатирачиси Михаил Задорновнинг ажойиб бир сўзи бор: «Агар дўстларингиздан ажралишни истасангиз, уларга ҳақиқатни айтинг» — дейди у. Лекин сатирачининг бу сўзида юмор ҳисси кўриниб тургани билан, аслида унинг остида киноя борлиги ҳам аён. Аммо томошобинлар бунга унчалик ҳам аҳамият беришмайди. Ўзимизнинг ўзбек ҳикматларида ҳақиқатнинг аччиқ эканлиги, ҳаммада ҳам унга бардош беравермаслиги айтилади. Шу ўринда қаршиликларнинг бир иборасини ҳам эслаб ўтсак: «Ҳақиқатни чидаганга чиқарган!» — дейишади қаршиликлар. Шунақа, лекин ҳамма ҳам чидайвермас эканмиш.

Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, ҳамма вақт у ҳақиқат излайди ва «мана, топдим», «ана, топдим» деганида эса, топган ҳақиқати саҳродаги сароб бўлиб чиқади. Ва у тагин ҳақиқат излайди, istsайди, таассуфки, ҳар сафар ҳам топгани шундай бир сароб бўлиб чиқарверади. Бу албатта ўз ўзидан эмас. Ҳар бир даврнинг, керак бўлса ҳар давлатнинг ўз адолати, ҳақиқати бўлиб келган. Нимадир ҳозирда жинойт саналаркан, қачонлардир у адолат эди. Ва келгусида давр ўзгариб боргани сайин, ҳақиқат тушунчаси ҳам шундай ўзгариб боради.

Ўша ибтидоий жамоа даврдан бери инсоният тараққий этиб келаётган экан, бу тараққиёт йўлида кимлардир ғов бўлишга ҳам интилди. Улар одатда қайсидир бир кўринишдаги монархлар, ҳукуматлар ва ёки бошқа бир кўринишдаги, эл бошида турган «зодагонлар» бўлиб келишган. Мана шу тарздаги тўсиқлардан ошиб ўтишни эса, яъни бу «деворларни» қулатиб ташлашни инсонлар «инқилоб» дея аташади.

Биринчи Француз Республикаси асосчиларидан бири бўлган Жорж Жак Дантоннинг шундай бир сўзи бор: «Инқилобни даҳолар ўйлаб топади, прагматиклар (унга ишонганлар — ТҚ) амалга оширишади, муттаҳамлар ҳузурини кўради».

Ҳар бир мамлакатда содир бўлган ва содир бўлиб келаётган инқилоблар одатда ўша адолат ва ҳақиқатни излашдан бошланган. Янги бир жамият ва янги бир давр бошланаркан, унда адолат бўлган бўлсада, алол — оқибат, муттаҳамлар пайдо бўлиб келган ва улар ўша инқилоб нашъадасини тортишган. Масалан, 1917 йилдаги Улуғ Октябрь революциясини эсга олайлик. Бошланишида 1917 йилнинг февраль инқилоби содир бўлди ва унда Чор самодержавиясига қарши бошланган кураш ижобий натижа берганди. Рус империясида буржасия ҳокимияти ўрнатилди ва Кренский муваққат ҳукумат раҳбари бўлди. Бу билан фақат Император Николай Рамановский тахтдан кетказилганди ва инқилоб сабаб, оддий аҳолининг ҳаётида айтарлиқ ўзгариш содир бўлмади. Февраль инқилоби сабаб, Россия биринчи жаҳон урушидан чиқиши қутилган бўлсада, бу воқеа ҳам содир бўлмади.

1917 йилнинг октябрь ойига келиб тагин янги инқилоб ва энди ҳокимиятни коммунистлар ўз қўлларига олишди ва шундангина Россия урушдан чиқди. Мақсадлар жуда улкан эди ўшанда, лекин алол оқибат, пролетариат диктатураси ўрнатилиши кўзланилган бу улкан ҳудудда ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, бир гуруҳ партноменклатура ўз диктатурасини ўрнатди. Ўша дамда порахўрлик ва коррупция ривожланиб, элнинг онгида норозилик аломатлари шаклланиб бораётганди. Бу норозилик аломатлари Горбачев



даври «демократиясида» портлаб чиқди ва айна мана шу омиллар Советлар мамлакатини ҳам ўз ўзини тугатишга мажбур қилди.

Советлар ўзини шунчаки ислох қилиши лозим эди ва шунда кейинги фожеаларнинг олди олинган бўларди. Лекин ўша давр «коммунистларида» шаклланиб улгарган мешчанлик кайфияти ва улардаги нафс ислохотларга ҳам йўл бермасди. Оқибат, дунёнинг энг йирик бир мамлақати парчаланиб кетди.

Биз ҳам «мустақилмиз». Дунё харитасига назар ташларканмиз, Ўзбекистон деб аталган бир Ватан бор ва у ўша Совет даврининг махсули бўлган мумлакатдир. Мустақил ўзбек давлати Совет даврида шаклланиб улгурган коррупцияга кенг имкониятлар эшигини очгани, ҳамда ундан эришилган натижаларини кўриб турибмиз. Мустақиллик йилларида Ватанимиз бўлган Ўзбекистон дунёнинг энг рушватхўр (порахўр) мамлакатларидан бирига айланди. Нафсга эрк бериш оқибатида ўзбекларнинг аксар қисми на бирор сиёсий ғоя ва бирор бир динга эмас, балки нафсга қул бўлиб қолишди. Бу ҳол ўзгармайди, токи ҳукумат алмашмас экан! Бу ҳол ўзгармайди, токи эл тафаккури ўзгармас экан!

Элнинг тафаккури шундай томонга қараб ўзгариши керакки, у ўзи ҳақ бўлсин ва ўз ҳаққини талаб қила олсин.

(Давоми кейинги саҳифада)

МИЛЛАТ ЎЗ ҚАДДИНИ КЎТАРМАС ЭКАН, УНИНГ БОШИ ХЎРЛИКДАН ЧИҚМАЙДИ

(Давоми боши олдинги саҳифада)

Мамлакат аҳли бир мақсад йўлида бир тан ва бир жон бўла олсин. Яъни, мавжуд ҳукуматга хушомадлар қилиш билан эмас, уни ислоҳ қилиб бора оладиган одамлар даражасига кўтарилишимиз лозим. Ҳукуматларда одамлар озчилик бўлишади ва улар тезгина, ҳамда осонлик билан бирлашади. Лекин эл бирлашганидечи, унда ўша озчилик бўлган ҳукумат ўз халқи бошида қонлик қиличини ўйнага олмай қолади. Бироқ бирлашиш ҳақида қанчалар таклифлар айтилмасин, чақириқлар қилинмасин, ҳаракатлар тузилмасин — лекин халқимиз кун сайин бири бирадан узоклашиб бораётгани кузатишмоқда...

Ҳар бир жамиятда ҳар инсон ўз ҳақиқатига, ўз мустақил фикрига ҳам эга. Жамият хоҳ демократик бўлсин, хоҳ диктаторлик тузуми, ҳар инсоннинг ўз ҳақиқати бор ва у ўша ўзи билган ҳақиқатга содиқ ҳолда яшайди. Кимдир қайсидир бир диний сектага аъзо, бошқа бирови динсиз, аллақимдир социалист бўлса, яна биров либерал ва ҳақоза, ҳақоза. Аммо уларнинг бирлари бошқа бирларига душман бўлмасликлари керакда. Мамлакатда бирор ўзгариш содир бўларкан, ёки қандайдир бир қонун юзасидан маълум бир сиёсий акциялар ўтказилса уларнинг ҳаммалари бирлашиб, бир фронтда туриб кураша олишлари лозим. Шунинг учун ҳам “фалончилар биздан эмас” деган ақидани унуттишимиз шарт!

Негадир бундай қила олмаймиз. Фикри сал бошқачароқ бўлган одамни нақд душманга чиқарамиз. Натижани қаранг, ўзбек муҳолифати ҳам эмас, ҳаттоки бутун ўзбек жамияти пароканда. Турли туман фикрларни, ғояларни илгари сурайдиган турли туман жамоалар пайдо бўлган ва уларнинг ҳаммаси фақат ўзини ҳақ деб билади. Ҳеч бирлари ўзларини кучсиз деб ҳисоблашмайди. Натижа ўлароқ, биздаги бу бошбадқликнинг ҳузурини кимлар кўраётганлигини эслатиб ўтиш ортиқча бўлса керак.

Русларда шундай ибора бор: “жангчиларсиз қолган генерал тили билан уруш қилади”. Ҳозирги ўзбек муҳолифати лидерларини ҳам ўша тили билан жанг қилаётган генералга қиёсласак бўларди. Бирор гуруҳ йўқки, ортмида ўн минг одам турибди деб айта олма. Ваҳоланки, 30 миллионлик аҳоли нуфузига эга бўлган Ўзбекистон учун камида 300 минг сиёсатчи бўлиши лозим.

Курашлар эса ҳамма вақт инсониятни чархлаб келган омил. Ўтмиш даврларда олиб борилган курашлар боис, инсоният бугунги ҳолига келган. Оддий мисол келтирайлик. Ҳозирда биз фойдаланаётган оддийгина интернет тармоғи ҳам ядро уруши бошлангудек бўлса, фойдаланиладиган муқобил алоқа воситаси сифатида яратилганди. Уруш бўлмади, аммо интернет одамлар учун кенг оламни “бир қадам” қилиб қўйди.

Оддий ҳақиқатни тан ола билмаслик, бу биз ўзбекларга теккан азалий хасталиқдир. Кимдир биздан нимаси биландир устун эканлигига мутлақ рози бўла олмаймиз. Олам ўзгариб бораётгани ва ҳали замон келади, ўзбеклар ҳам “ёвойи ғарб” домига тушиб кетган халқлардан бирига айлана-

ди. Ёвойи ғарб аъёнлари кўпларни ўзига ром қилиб келмоқда ҳам. Бу аъёнлар христиан динига тааллуқлик деб ўйлаш ҳам нотўғри бўларди. Чунончи, улар инсониятнинг минг йиллар давомида ортирган таърихий ва маданий аъёнларини эскилик саркити дея йўқ қилмоқда. Афсуски бизда уларга қарши кўядиган бирор нарсанинг ўзи йўқдек. Янаям аниқроғи, ҳаддимиз сиғмайди.

Ўзбек жамиятида динни бу даражада таҳқирлай оладиганлар етишиб чиқмаган, аммо бу, уларнинг келгусида ҳам етишиб чиқмаслигини белгиламайди. Кимлардир бизни йўқ қилиш учун сиёсий жанг бошлаган экан, биз ҳам жуда бўлмаса ўзимизни сақлаб қолиш учун нималардир қилмоғимиз лозим. Лекин қалбларимизни камраб олган қўрқув ҳисси бизни бундан қайтарди. Ҳа, биз кўрқамиз.

Марказий Осиё минг йиллар давомида истеълочилар учун мўлжал ва макон бўлиб келди. Таърихдан маълум бўлгани, Эрон ва Турон урушлари, Араб халифалиги ва ундан сўнг Чингизхон босқини ҳамда энг сўнги босқинчиликни эса XIX асрда Россия империяси амалга оширди. Рус босқини билан Чингизхон босқинчилиги орасида Амир Темир империяси ҳам барпо бўлган. У Турон миллатини ҳам забт этувчилардан бирига айланганди. Аммо Амир Темирнинг олиб борган ноқис сиёсати боисидан, у барпо этган буюк империя унинг ўлимидан кейин парчаланиб кетди.

Ҳар бир қирғин, ҳар бир босқинчилик ўзбек тафаккурида ўз изини қолдириб келгани бор ва эндиликда эса халқимиз мардикорлик қилса қиладики, аммо ҳукмдорнинг юзига тик қарай олмайдиган бўлиб қолди. Мана шу оддийгина ҳақиқатни айта билишлик, миллатга, қолаверса умматга қарши чиқишлик эмас, балки шу халқни, шу элни ўз қадрини учун курашларга чақириш демакдир. Миллат ўз қаддини кўтармас экан, унинг боши хўрликдан чиқмайди.

Ҳозирда бизнинг миллатимиз ва бизнинг халқимиз асосан иқтидордаги ҳукумат билан ҳамкорлик қилиб яшаб қолишга умид боғлаган. Шунинг учун ҳам президент номига шикоят аризалари юбориш, унга арз қилиб ҳақиқат кутаётганлар қўлаб учрайди. Ҳаттоки турмаларда азоблилик этганлар ҳам президент Каримов номига кечирим хатлари битишга мажбурланмоқда. Мақсад эса, уларни содир этмаган жиноятларига иқдор қилмоқдир ҳолос. Бунга эришилди ва эришилмоқда ҳам.

Бу ҳолатда ўзбекистонликлар нима қилишлари керак деган ҳақли савол туғилади. Ўзбекистондаги “қонун посбонларидан” умид йўқ, шундай экан, барча сохта жиноят ишлари билан айбланганлар қисматини халқаро майдонга олиб чиқиш зарур. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро пакти”ни имзолаган мамлакат ва шунга кўра, бу ишларни халқаро майдонда қайта кўриб чиқиш мумкин бўларди. Аммо бизнинг юртдошлар на ўз кавму қариндошлари ва ака-укалари озодлиги учун бундай ҳаракатларни олиб бораётганлари йўқ.

Бугунги давр ва дунё теологияни кўтара олмайдиган бўлиб қолган.

Динлар шунчи расм-русм ва миллий одатлар даражасида бўлсагина дунё бунга рози бўла олади. Акс ҳолда теологик ғояларни илгари сураётган гуруҳларга қарши очикдан очик ёки яширин тарзда бўлсин кураш олиб борилади. Ислоҳ Каримов режими ҳам аини мана шу баҳона билан ғарбнинг эркатойига айланиб олган.

Радикал ва экстремистик Ислоҳ қайдан чиқди? Илгарилари у йўқ эдику. Совет даврида бу каби диний қарашларнинг ўзи бўлмасди. Дунё коммунистлар ва коммунист бўлмаганларга ажралганди. Билмасангиз билиб қўйинг: радикал Ислоҳни дунёга келтирган АҚШ бўлади! Совет ҳарбий контингенти Афғонистонга киритиларкан, АҚШнинг ўша даврдаги президенти Джимми Картер Советларга қарши курашда Ислоҳ факторидан максимал даражада фойдаланиш ҳақида қарор чиқаради ва Америка уларни маблағ билан, қуроолар билан қўллаб-қувватлади. Радикал исломчилар Совет Иттифоқига қарши курашда муҳим роль ўйнади, аммо Совет давлати туғулганидан сўнг эса АҚШ уларнинг ўзига душман бўлиб олди.

Ҳозирда ҳам Сурия Республикасида олиб борилаётган жанговор ҳаракатларда аини мана шу кучлардан фойдаланилапти. Бу кучлар орасида АҚШнинг қўлидаги қуролга айлангани ҳам бор. Ёки русча қилиб айтганда улар АҚШга “замбаракка гўшт” (пущечное мясо) бўлиб хизмат қилишади. Агар бу кучлар ёрдами билан Суриядаги Башар аъл Ассад режими ағдарилса, унда нима ўзгариш содир бўлиши мумкин?

Эътибор қилайлик, АҚШнинг оёғи етиб, диктатурадан “озод бўлган” қайси мамлакат обод бўлди ўзи? Ироқми, Афғонистонми ёки Ливиями? Мана, энди навбат Мисрга ҳам келди ва тез орада араб дунёсининг энг улкан аҳоли нуфузига эга бўлган Миср фуқаролар уруши лагерига айланиб кетиши эҳтимоли билан яшайпти.

Инсониятни, жумладан биз ўзбекларни ҳам урушлар эмас, тинчлик ва ҳамжиҳатлик ривожлантира олган бўларди. Асосийси, ватандаги қаттол режимдан қутилиш, аммо буни кимдир қилиб беришидан умид қилмаслигимиз керак. АҚШ нимадир қилмоқчи бўлса Ислоҳий кучларни “пущечний мясо” қилиб мақсадида эришган бўларди. Россия ва Хитойни, ҳамда Европа Иттифоқини Ўзбекистон халқи тақдирини қизиқтирмайпти. Эволюцион йўл билан эса Ватан демократлашиб қолмайди. Ҳа демай Ўзбекистонда янги президент сайловлари бўлиб ўтади ва Ислоҳ Абдуғаниевичнинг қизи Гулнара Ўзбекистонда ҳокимиятга келади.

Кимдир умид қилар: “Майли, Гулнара президент бўлса бўлсинчи, балки ҳаммаси яхши бўлиб кетар”. Йўқ албатта! Яхши бўлмайди. Баттар бўлса бўладики, аммо яхшилиқка томон бирор қадам қўйилмайди. Бунда биз ўзбеклар ҳаттоки очликдан ҳам ўла бошлашимиз мумкин, лекин яхшилиқка томон ўзгариш бўлмайди. Олдимизда яна бир йил турибти ва биз шу бир йилни қўлдан бердикми, кейин Ватанидан ва миллатимиздан кечиб юборсак ҳам бўлади. Ҳориждагилар учун бу осон иш, аммо Ўзбекистондаги ўзбекларга қийин бўлади. Бизга фақат бир йўл бор. Қаддимизни кўтармоқлик. Ўз орангиздан душман изламай, қаддингизни кўтаринг, ўзбеклар.

СУРХОНДАРЁДАГИ “СИЁСИЙ” ҚОТИЛЛИК

Ўзбекистон ҳукуматининг илмсизлиги, жоҳиллиги туфайли Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида тинч кунларда Ватанимизнинг бир фуқароси бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозирги кунларда Сурхондарё вилоятида давлат бюджети ҳисобидаги ташкилотларда ишловчи барча ҳодимларни пахта чопиғига (текин ишлаш) мажбурий тарзда жалб қилиш ишлари авж олдирилган. Пахта териш мажбуриятига эндиликда уни чопиқ қилиш мажбурияти ҳам қўшилди. Туманлар ҳокимлари ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу мажбуриятга кимки рад жавобини берадиган бўлса, “давлат сиёсатига қаршимисан?”, деб шу заҳотиёқ ишдан бўшатилиши ҳақида оғзаки кўрсатма берилган.

Коммунистлар давридан қолиб кетган (ҳозирда янада баттарроқ) аҳолини бундай эксплуатация қилиш айрим оддий фуқароларнинг соғлигидан ташқари ҳаётига ҳам зомин бўлмоқда. Масалан, вилоятнинг Жарқўрғон тумани Машраб кўчасида яшаган, 1960 йилда туғилган, 53 ёшли Турдикул ака пахта даласидаги чидаб бўлмас шароитдан, ҳақсизликдан жон таслим қилди. Илгари ҳайдовчи бўлиб ишлаган, кейинчалик касаллиги туфайли ногиронлик пенсиясига чиққан ушбу ҳамюртимиз 2013 йил 16 июн кунини турмуш ўртоғининг ўрнига далага пахта чопиғи учун қақди. Турмуш ўртоғи Қурбонгул опа Жарқўрғон туманидаги “Табассум” номли 6-сон болалар боғчасида ишлайди. Боғча ҳодимларини ҳам пахта чопиғига мажбурий жалб қилинганлиги туфайли Қурбонгул опа ҳам далага чиқиши керак эди. Аммо унга раҳми келган турмуш ўртоғи Эгамбердиев Т.Э. унинг ўрнига далага чиқиб кетади. Кун бўйи далада бўлган Турдикул акани офтоб уриб, кечга яқин уйга ҳолсиз ҳолда қайтади. Ҳарорати кўтарилиб, соғлиги янада ёмонлашади. Тез тиббий ёрдам ҳодимлари этиб келгунича Турдикул ака жон таслим қилади.

Зўравонлик сиёсатининг ғайриинсоний кўринишда давом эттирилган жарқўрғон туман ҳокимияти раҳбарияти, уларнинг вилоятдаги иш буюрувчилари ва Президент Дево-нидаги уларнинг ғоявий раҳбарлари жуда ҳам қонсираб қолаётгани анниқ кўриниб қолди. Бу каби ҳолатлар туманда ўндан ошиқ бўлса-да, аниқ маълумотлар олиш қийин бўлмоқда. Биз битта тумандаги июнь ойи ичидаги ҳолатни мисол келтирдик, холос. Ваҳоланки, бутун республикада бунга ўхшаш ачинарли ҳолатлар қанча содир бўлаётган бўлиши мумкин?

Ўзбек ҳукумати пахта даласида жон бераётган ҳар бир юртдошимизнинг қотилига айланиб бормоқда. Зеро, меҳнатдан манфатдорлик қишлоқ одамларини яна жонажон далаларига қайтаради. Буни тушунмаганлар ўзлари билган ва билмаган ҳолда ўз ватандошларининг ўлимига сабабчи бўлиб қолишмоқда.

Азамат Худойкулов

КИБЕР ТЎҚМОҚЛАР ИШГА ТУШМОҚДА

Инсоният яратилгандан бери шахслар, қабилалар, миллатлар, халқлар ва давлатлар уртасидаги уруш-жанжаллар сурункали равишда давом этиб келмоқда. Баъзи мутахасссларнинг айтишича, бугунги дунёнинг имконлари энг камида 15 миллиард инсоннинг моддий маишатини таъминлаш учун етарлидир. Бугун ер юзи аҳолиси бу рақамнинг яримини ҳам ташкил қилмайди. Аммо Одам фарзандлари ақл неъматидан етарли фойдаланмагани учун доимо ўзаро низолаarga йўл қўймоқда. Шунинг учун ҳам унинг кичкина бир қисми (1 миллиардга яқини) фаровон ҳаёт кечирмоқда, қолган аксарияти эса оч, паришон ва албатта ҳаётдан норози ҳолдадир...CYBER

Тўқларнинг эса ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди...Бунинг устига исроф дунёда ҳеч бир вақт бўлмагани бугунги кунда жуда кенг тарқалган.

Маълумотларда айтилишича, масалан Туркияда йилда ярим миллион тонналик буғдойдан қилинган нонлар ахлатга отилар экан. Ёки бўлмаса АҚШда инсонларнинг тўртдан бири, яъни 75 миллион киши семизлик касалига чалинган. Ҳолбуки дунёнинг бошқа бурчақларида инсонлар бир бурда нонга зор, ўн минглаб янги туғилган чақалоқлар очлик натижасида нобуд бўлмоқда...

Бундай ҳолда 7 миллиард инсонга қарата «Ҳой инсон фарзандлари, биз нима қилаёпмиз ўзи, инсоф ва адолат қачон ер юзида ҳоким бўлади», деган умумий бир овозни эшитиш имконсиздир. Дунёда содир бўлаётган охириги воқеалар инсон ҳуқуқлари ва эркинликни даъво қиладиган халқлар ва давлатларнинг инсоният орасида аслида энг золим ва инсофсизлари эканликларини кўрсатди. Ўзбекчасига айтилган бўлсак, уйинг куйди эй дунё, аммо оҳингга етишадиган борми ўзи?

Бир томонда инсониятнинг бир

қисми очликдан қирилмоқда, иккинчи томонда ички низола ва давлатлар орасида урушларда миллионларча инсонлар ўлмоқда, учинчи томонда эса еб тўймаганлар ва ўлдиришдан чарчамаганлар ўзаро низо ва фитналарнинг янада янги усулларини ижод қилмоқдалар.

Мана шундай ихтиролардан бири ҳеч шубҳасиз “Кибер урушларидир”. Бу ҳақдаги бир хабарда айтилишича (centrasia.ru), дунёнинг бошқараётган давлатлар бир бирларига Кибер тўқмоқлар отишни аллақачон бошлаб юборганлар. “Кибер урушлари” содда тил билан айтганда компьютер ва унга алоқадор тизимларнинг урушларидир. Инсонлар орасида роботлар кўпайиб бораётгани каби, давлатлар орасида ҳам “компютер давлатлар” кўпайиб бормоқда. Тарихда ўзаро душманлар бир бирларининг чегараларини махфий йўллар билан ошиб ўтган бўлсалар, энди компютер ва интернет тармоқдалари орқали бир бирларининг энг маҳрам жойларини ишғол қилмоқдалар, ишдан чиқармоқдалар, бу йўл билан бир бирларига тўқмоқ отмоқдалар. Бундай уруш вандализм, яъни ҳакерлар ёрдамида қарши тарафнинг интернет тармоқларини бузиш, аксилтарғибот, душман ҳақида маълумот тўплаш ёки унинг маълумотларини ўғирлаш, интернетга боғлиқ тизимларни бузиш, бирор соҳани электрон йўл билан боқарадиган компютерлар марказини ишдан чиқариш каби усуллар билан амалга оширилади. (Қаранг: ru.wikipedia.org)

Албатта, бу ишда яна ўша сўзда тараққий қилган, ўзда эса кўзи доимо оч, шу сабаб инсон ҳуқуқлари ва унга ярашадиган асл маданиятни йўққа чиқараётган давлатлар, уларга оид халқаро кучлар ва улар қурган ширкатлар бордир...

Намоз Нормўмин

МХХДА ШОУ-БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИ “СОҒИШ” ЙЎЛГА ҚЎЙЛГАН

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) да юз бераётган “тижорийлаштириш” жараёнлари ўз чўққисига етмоқда: аввал катта амалдорлар ва йирик тадбиркорларни молиявий жиҳатдан талашни бошлаган ўзбек “чекист”лари эндиликда шоу-бизнес вакилларини “соғиш”га киришишди. Бу ишларнинг бошида МХХнинг шоу-бизнес ва оммавий тадбирларни назорат қилиш бошқармаси бўлиб, бошқа ҳолатларда бўлгани каби, шоу-бизнес вакилларини ҳам у ёки бу жиноятини фош қилиш ҳамда қилмиши учун қонуний жазолаш таҳдидлари билан шантаж қилиб, улардан пул ундиради. Ушбу бошқарма йигитларига пул тўлаб, ўз жиноятларини фош бўлишдан, ўзларини эса қонуний жазодан қутқариб қолган санъаткорлар кам эмас. Жумладан, шу йилнинг июнь ойида “Хандалак” гуруҳидан Ортик Султонов ва Зокир Очилдиев ҳам МХХчиларнинг қўлига тушиб, бир ҳафта “ергўлада” этиб, охир-оқибат юқорида номи келтирилган бошқарма раҳбариятига катта пора бериш эвазига озодликка чиқишди. Икки кизикчининг МХХга олиб келинишига

бир хотин-қизнинг шикоятини сабаб бўлган. Бундан сал олдинроқ худди шу

бошқарма йигитларини машҳур кўшиқчи Фуломжон Ёкубов ҳам “рози” қилган ва киз боланинг номунига тажовуз қилиш бўйича очилиши лозим бўлган жиноий ишни ёптиртирган. Шунини айтиш керакки, Фуломжон Ёкубов МХХнинг доимий “мижози” ҳисобланади, чунки ашулачи йилда камида бир-икки марта юқоридаги айблов бўйича шу бошқармага чақиртирилади. Ва ҳар сафар ўзбек “чекист”ларини ҳам, ариза берувчиларини (“жабрланувчи”ларни) ҳам рози қилиб, жазодан қутулиб қолади. Шуниси кизикки, Фуломжон Ёкубов устидан ҳар сафар шикоят аризаси тушганда унинг ишини ёпиш учун ўртага фақат катта пуллар эмас, балки айрим “катталар”, жумладан, Салим Абдувалиевлар ҳам тушишади. Бундай вазиятларда нисобтан камроқ танилган кўшиқчилар фақатгина катта миқдордаги пуллари эвазига қутулишади. Чунончи, 2010 йилда Ҳосила Раҳимова ўзи жабрланувчи сифатида ёзган аризаси учун МХХ олдида жавоб беришга ва ўз ҳамёнидан 300 минг долларини ўзбек “чекист”ларига “садақа” қилишга мажбур бўлган.

(Давоми кейинги саҳифада)

Бугунги кунда, юртимиздаги тинчлик мамлакатда юритилаётган “доно” сиёсатнинг неъматидеб халқ онгига сингдириляпти. Дунёда содир бўлаётган террористик ва жанговар ҳаракатлар инсонларга ва сиёсат юритувчиларга хос камчиликлар эканлигига урғу берилаяпти. Каримов сиёсати эса эл тинчлигининг гарови, деб ОАВ да тинимсиз тарғиботлар олиб борилди.

Тарғибот натижалари халқимизда ўзига хос бир фикрлаш шаклини пайдо қилган. Ҳозир инсонларимизнинг аксарият қисми “Худога шукурки элимиз тинч, агар уруш бўлганда холимиз нима нечарди?” — дея, ҳаёт қийинчиликларига қарамасдан ўзларини юпатаяптилар.

Инсоният таърихи уруш воқеалари билан жуда тигиз. Лекин, инсоният таърихда бўлиб ўтган ҳар бир урушнинг сабаблари ва оқибатлари бор. Томонлар уруши учун идеологик шароит, моддий техник баъза, кадрлар

тайёргарлиги, тактик амаллар режаси ва озиқ-овқат муаммолари албатта етарлик даражада бисёр бўлиши керак. Шу шароитлар яратилганда турли томонлар орасида уруш ҳаракатлари содир бўлиши мумкин.

Уруш — бу қўлига қурол олган кишининг бозорда бомба портлатиб, кўчада ўқ узиб, нотониш одамларни ўлдиришдан иборат бўлган жоҳиллик ҳаракати эмас. Бундай ҳаракатларни мутлақо ҳарбий фаолиятларга алоқаси бўлмаган одам ҳам буюртма асосида қўйилган қонли сиёсий спектакл деб изоҳлаши аниқ. Тошкентдаги 1999 йил 16 февралдан то Андижонданги 2005 йил 13-май қатлиомигача бўлиб ўтган “террористик” ҳаракатларнинг кўринишлари бюртма спектакелларнинг айнан ўзи эди. Чунки мазкур ҳаракатларда на идеологик мақсадлар, на тактик ҳаракатлар, на конкрет томонлар ва на уруш ҳаракатларини бошқарувчи ҳарбий кадрларнинг номи аниқ эди. Уруш ва тинчлик муаммоларини ечиши, ҳарбий стратегик ва тактик муаммодир. Бу мамлакат бошқарув таркибидаги “Хафсизлик кенгашининг” муаммоси ҳисобланади. Муаммо эса халқ олдида ошқора ечилмайди. Уруш ва тинчлик муаммосини ечган раҳбарнинг навбатдаги вазифалари, мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий барқорорлигини таъминлашдан иборат бўлади.

Уруш — одатда бир халқнинг иккинчи халққа нисбатан агрессив ҳолатидан, ҳудудий ва миллий даъволарни ечишидан келиб чиқади. Бир давлатнинг иккинчи давлат ҳудудида, ўз сиёсатини ўтказиш мақсадлари ҳам урушларга сабаб бўлиши мумкин. Русиянинг Чеченистон билан олиб борган кейинги уруши бунга ёрқин далил бўла олади. Бизнинг тинчликсевар халқимиз ўзининг узоқ йиллик таърихи давомида, чет элларга тажавузкорлик ҳужумини ўтказмаган. Аксинча, аждодларимиз чет эл босқинчиларининг ёвузлиги билангина курашганлар. 1219 йил Чингизхон армияси Хоразмга (юртимизга) бостириб кирди. Аслида буни биринчи жаҳон уриши деб атасак ҳам бўларди. Аждодларимиз ўз она тупроғи учун мардондор курашдилар. Бу урушда Жалолоддин Мангуберди миллатимизнинг ҳамда дунё таърихда мутлақ ватанпарварлик мезони билан ўчмас из қолдирди. Тарихимизнинг энг қора саҳифаларидан бири 19-чи асрда Чор Россиясининг ҳийла билан юртимизни босиб олишидир. Кейинчалик рус коммунистлари куч билан халқимиз эътиқодига мутлақо тесқари бўлган динсизлик ғоясини

жорий қилдилар. Ватанпарварларимиз рус босқинчиларига қарши қаттиқ курашдилар. Минг афсуски, миллатни сақлаб қолиш учун коммунистларга ён босишга тўғри келди. Миллатлараро тотувлик эл ривожининг биринчи шартидир. Исломот тўлаимотида дин бирламчи, миллат иккиламчи деб айтилган. Неча асрлардирки, халқимиз таълимотнинг ушбу кўргазмасига амал қилиб келаяпти. Ўзбек ҳеч қачон узоқ ва яқинида яшаётган бошқа миллатлардан ўзини устун қўймаган. Бошқа диндаги миллатлар билан тинч-тотув яшаб кела олган. Бу билан ўзаро ва миллатлараро уруш-жанжалларга ҳам чек қўйилган. Дунё сиёсий театрларида амалдаги ҳокимиятни қурол ёрдамида ағдаришни кўзлаётган экстремистик кучлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу кучлар одатда оз сонли бўлишига қарамасдан диктатура-

КАРИМОВГА ТИНЧЛИК КЕРАКМИ?

га қарши курашиб ҳукуматни қўлга ола-яптилар. Чунки диктатуранинг ўз-ўзидан тугашига ишонмаган халқ бу кучларни қўллаб қувватлаши мумкин. Агар диёримизда куч ишлатиб Каримов режими ағдарилса, бундай кон тўкилишлар учун фақат Каримовнинг ўзи айбдор бўлади. Лекин Каримов бу вазиятдан, “қабиристон тинчлиги” ёрдамида чиқиб кетмоқчи. Аллоҳ жамиятимизни кўриб турибди. Жамият ривожи эса Яратганнинг иродасига бўйинсунади. Яъни, жамият Аллоҳ яратган қонунга мувофиқ ривожланади. Диктатор Каримов ҳеч қачон ўз халқини севмаган ва ўзи тайинлаган амалдорларни хурмат қилмаган. Унинг ўз халқига уйғонмаган муҳабати жамиятимизга жоҳилиятни олиб кирди. Жаҳолият қонунлари ҳеч қандай қонунга бўйсунмайди. Бугун Каримов ўз атрофидагиларга буйруқ бериб, ҳоҳлаган натижани олиш имкониятига эга эмас. Бу эса Аллоҳнинг иродаси билан, тез фурсатларда бу жамиятга инқлобий ўзгаришлар рўй беради деганидир. Каримов “тинчлик” сиёсатининг асосий мақсади, халқнинг иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжи билан мутлақ боғлиқ бўлмаган жорий режимни мумкин қадар узоқ ушлаб турушдир. Унинг “тинчлик” сиёсати режимнинг асосий концепцияси яъни халқни кўркувда ушлаб туриб бошқаришда асосий рол ўйнапти. Бундай “тинчлик” сиёсати, режим тарафдорларига шу қунгача жуда қўл келган. Президентнинг “тинчликни сақлаш” сиёсати амалларидан айрим фактларни мисол таритқасида келтирмоқчиман:

- Ҳокимият олдида ўз ҳаққи-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан одамларга тинчликни бузувчилар айби билан муомала қилинади. Яъни, пикетчилар, митингчилар ҳаракати кўп сонли ҳуқуқ-тартибот ходимларининг кучли босим билан тўхтатилади. Намойишчиларга миллионлаб жарима солинади. Халқ кўрқитилади;

- Режим ўз фаолияти давомидаги 1999-2004 йилларда, “террорчилар” деб уюштирилган ҳар бир қонли спектакеллари билан халқни анча кўрқитиб қўйди;

- Каримов, адолатни излашда анча илдамлаб қолган Андижонликлар устидан 2005 йилнинг 13 май кунда очикчасига қатлиом уюштирди. Бу акт Каримовнинг “тинчликни сақлаш” сиёсатининг дунёдаги энг даҳшатли кўриниши бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам 2005 йил 13-май фожеаси ҳалигача кўпчилик дунё аҳлининг диққат марказида турибди.

Каримовнинг мамлакатдаги “тинчлик” сиёсати режим хусусиятининг бир қисмидир. У бу режимни ўз умри давомида ўзгартирмайди ва ўзгартириб олмайди ҳам. Чунки Каримовнинг Ўзбекистонни бошқа кўринишда бошқариш қобилияти ҳам ва унинг тахтдан кетиш нияти ҳам йўқ.

Каримовнинг “тинчлик” сиёсатини асосан ИИВ ва МХХ ходимлари амалга оширмоқдалар. Улар каримовча “тинчликни” сақлаб туриш учун унинг кўп ноқонуний кўргазмаларини бажарадилар. Масалан: - Эркин фикрларнинг матбуотга чиқиб кетмаслигини назорат қиладилар.

- Ўзҳақ-ҳуқуқини талаб қиладиганларни кўчага чиқгани ҳам қўймайдилар.

- Эркин фикрловчи инсонларга ўз вақтида провакциялар уюштириб, уларни узоқ муддатларга қамайдилар.

ИИВ ва МХХ ходимлари шу каби ёки бошқа кўринишларда инсон ҳақларини паймол қилувчи ишларни ҳам ташкиллаштириб борадилар. Бундай нопок ишлар кўпчилик МХХ ва милиция ходимларининг ҳам аллақачонлар жонига текан. Шу боис яқин фусатларда халқ Каримовнинг кетишини талаб қилиб кўчага чиқгудек бўлса, бу хизматчилар халқ тарафида туриб митинг ва бошқа чиқишларни тартиб билан ўтишини таъминлаякалар.

Каримовнинг яқин келажакда тахтдан кетишига халқимизнинг катта қисми ишониб қолди. У тахтдан кетгандан кейин бу диктаторнинг барча сиёсий жиноятларига чек қўйилади. Жумладан “тинчлик” сиёсати ҳам. Кейинчалик уруш ва тинчлик муаммолари билан фақат мутахассислар шуғулланадилар. Бу ва бошқа муаммолар тафсилотларини кейинги мақоламда ёритаман, инша Аллоҳ.

(давоми бор)

Жуманиёзов Нураддин

МХХДА ШОУ-БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИ “СОҒИШ” ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Гап шундаки, бундан 3 йил илгари Ҳосила Раҳимова Тошкентдан 2-3 қаватли ҳовли соғиб олиш учун ўзининг “менежер”га 300 минг доллар беради.

Бироқ қўшиқчининг “энг яқин таниши” пулни олиб, ғойиб бўлади. Шундан сўнг Ҳ. Раҳимова унинг устидан аввал прокуратурага, кейин эса МХХга шикоят қилади.

МХХ товламачи “менежер”ни ҳам, у олиб қочган 300 минг долларни ҳам дарров қўлга олади. Лекин кейинчалик тергов ишлари “менежер” қолиб, Ҳосила Раҳимованинг, яъни жабрланувчининг устида давом эттирилади. МХХ терговчилари қўшиқчига: “Шунча хорижий валютани қандай қилиб топдингиз? Нега солиқ тўламадингиз?” ва ҳоказо саволларни беравериб, руҳан чўктиришади. Ишнинг бу томонга ўзгариб кетишидан қарахт аҳволга тушган Ҳ. Раҳимова охир-оқибат шу 300 минг долларни МХХ терговчиларига инъом этиб юборди.

Хулласи қалом, амалда Шухрат Ғуломов бошқарувида қолаётган Ўзбекистон МХХда “тижорийлашиш” жараёнлари ўз чўккисига етиб, жиноий йўллар билан бойишининг янги-янги манбалари “кашф” қилинмоқда.

ЎХХ: Хабар Маркази


Таниқли фалсафа илми профессори Энтони Флюнинг чиқишларидан бири илм оламини мутолқ ларзага келтирган бўлди. Ҳозирда 80 ёшдан ошган олим кўп йиллар давомида илмий атеизм устунларидан бири бўлган. “Бир неча ўн йиллар давомида Флю қандайдир бир илоҳга ишонч руҳида қурилган тезисларнинг нотўғри эканлигини кўрсатиб китоблар нашр этарди ва лекциялар ўқирди”. — деб ёзади “Мета” портали.

Бирок бир қатор янги илмий кашфиётлар атеизмнинг буюк ҳимоячисини ўз кўз қарашларини ўзгартиришга мажбур қилди. Флю очикчасига адашганлигини тан олиб, борлиқ олам ўз ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлигини, балки у тафаккуримиздаги кимдир, ўша кудратлик бир куч томонидан яратилганлиги яққол эканлигини билдирган.

Флюнинг айтганига кўра, у илгарилари худди бошқа атеистлар каби қадим ўтмишда ўлиқ жисмдан шунчаки тирик жисм пайдо бўлиб қолганлигига ишониб келган. “Бугунга келиб, атеистик назардан олиб қараганимиз, яъни ҳаётнинг пайдо бўлишини биринчи тирик организмдан келиб чиққанлигини тасаввур этиши кийин”. — дейди Флю.

Олимнинг сўзларига кўра, ДНК молекуларининг қурилиши ҳақидаги замонавий маълумотлар ҳаётнинг ўз ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлиги ва уни кимдир бировнинг йўқдан бор қилгани эканлигини кўрсатиб турибди. Генетик кодлар — бу энциклопедик маълумотлар жамланмасининг айни ўзидир, қайсики улар ўзида молекуларни сақлайди ва ожизона ўхшашликни эҳтимолини инкор қилади.

Британиялик физик, шу йилги Темплтоновской мукофоти лауреати бўлган Мартин Джон Рига кўра борлиқ олам — жуда кийин нарсадир. 500 илмий ишларнинг муаллифи бўлиб \$1,4 млн. эга



АЛЛОҲГА ИШОНГАН АТЕИСТ

бўлган бу олим Ярутгучининг мавжудлигини исботлаган. Ҳар ҳолда, физикнинг ўзи атеист бўлса ҳам, деб қўшимча қилади “Корреспондент”.

“Халқаро назарий ва амалий физика институти РАЕН академиги Анатолий Акимов баён қилганига кўра, Оллоҳнинг мавжудлиги илмий илмий усуллар билан исботланган”. — дея хабар қилади ИНТЕРФАКС.

“Илоҳ бор ва биз унинг иродасини кузатиб турибмиз. Бу кўплаб олимларнинг фикридир, улар шунчаки Яратгучига ишонишмайди, балки қайсидир бир илмларга ишонишади”. — деди у “Московский комсомолец” газетасининг жума кунига чиқадиған нашрига интервью берган олим.

Шу билан бирга олим ўтган асрларда физик-олимлар Худога ишонганликларини ҳам таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, Исак Нютон давригача бўлган давларда илм ва дин орасида бўлинишлар бўлмаган, илмий ишлар билан ўқимишлик одамлар бўлганлари учун ҳам руҳонийлар машғул бўлишарди. Нютоннинг ўзи илоҳий сабоқ олганлардан эди ва аксариди такрорлаб турарди: “Механика қонунларини мен Худонинг қонунларидан оламан”.

Олимлар микроскопни ихтиро қилиб, хужайралар ичида нималар содир бўлаётганлигини, хромосомаларнинг бўлиниши ва кўпайиши жараёнларини ўргана бошлаганларида уларда жуда ажабланарлик реакция сезилди: “Қандай қилиб бунақа бўлиши мумкин, қачонки буларнинг ҳаммаси Парвардигор томонидан кўзда тутилмаган бўлса?!”.

“Ҳақиқатдан ҳам, — дея қўшимча қилди А.Акимов, — агар инсон ер юзиде эволюция натижасида пайдо бўлган дея қарайдиган бўлсак, мутациялар такрорланиб бориши ва биохимик жараёнларнинг тезлиги билан дастлабки бир хужайралик жонзотлардан одамнинг келиб чиқишигача бўлган давр учун Борлиқ олам ёшидан ҳам улканроқ бўлган муддат керак бўлган бўларди”.

“Бундан ташқари, — дея давом этди у, — Борлиқ оламини радиокузатувлар орқалик олинган ҳисоблардан маълум бўлдики, улардаги квант элементлари адади 10155 дан кам бўла олмайди ва у юксак ақл эгаси ҳам эмас”.

“Агарда бу худди компьютер каби бутун бир тузилма бўлса, унда савол туғилади: Бунақа микродаргадаги ҳисоблаш имкони бўлган элементларга эга тузилма учун имкони бўлмаган бирор ишнинг ўзи қоладими? Бу ахир янги ишлаб чиқилган замонавий компьютердан имкони неча ҳадсиз даражада ортик бўлган имкониятлар демасдир!”. — таъкидлади олим.

Унинг фикрига кўра, Борлиқ олам Ақли философлар томонидан ҳар хил номларда, Мутлақликда аталган бўлсада, айни шунинг ўзи юқори кучга эга бўлган қувватнинг айни ўзидир ва у бизга ҳамма нарсага Қодир Зотнинг имкониятлари борасида дарак беради.

dunyouzbeklari.com

Таниқли журналист ва медиамагнат Шухрат Шоқиржонов томонидан 28 июль куни Stadion.Uz сайтида эълон қилинган “Миржалол Қосимов “Бунёдкор”дан кетиши керак!” сарлавҳали мақола МТЖ бош мураббийини ўз лавозимидан кетказиш кампаниясини удалай олмаган одамнинг талвасасидан бошқа нарса эмас.indig

Тўғри, мақоланинг асосий ғояси — Қосимов клубдаги ишларини йиғиштириб, бор эътиборини миллий терма жамоага қаратиши зарурлиги — тўғри кўтарилган. Лекин ушбу фикр Ўзбекистон Футбол Федерацияси президенти Мираброр Усмоновнинг “Футбол шарҳи” кўрсатуви орқали: “Қосимов терма бош мураббийлигидан четлатилмайди!” — деган кескин баёнотидан кейин алоҳида мақола сифатида ёзилганлиги кулгимни қистади. Нега дейсизми?

Ахир, то 22 июльгача, яъни Мираброр Усмоновнинг машҳур телеинтервьюси эфирга узатилган кунгача, Шухрат Шоқиржонов кўпчилиқ мухлислар билан ҳамнафас ҳолда бошқа ғояни — “Миржалол Қосимов терма жамоадан кетиши керак!” деган идаони илгари сураётганди-ку! Бу қандай ўзгариш-ки, одам бир хафта — 10 кун ичида ғоявий жихатдан тубдан ўзгарса қолса?!

ЖУРНАМАГНАТ ТАЛВАСАСИ

Олдинига: “Қосимов термадан кетсин!” — дея бонг ураётган Шоқиржонов эндиликда, яъни Қосимовнинг терма бошқарувида қолиши аниқ маълум бўлгач: “Қосимов ҳеч бўлмаса “Бунёдкор”дан кетсин!” — дея ёлвораяпти. Шоқиржонов худди шу ғояни 22 июльгача алоҳида, қатта мавзу қилиб кўтариб чиқса эди, мен унинг бу ташаббус ва ғоясини талвасага қийсламасдим.

“Миржалол Қосимов “Бунёдкор”дан кетиши керак!” сарлавҳали мақоланинг Post Scriptum қисмида Шухрат Шоқиржонов: “МТЖ бош мураббийи хусусида жуда кўп ҳамкасбларим билан суҳбатлашганимда (уларнинг орасида З.Қосимов, Б.Абдулла каби бош мураббийнинг тарафдорлари ҳам бор) Миржалол Қосимовга охиригача имконият берилиши лозимлиги, лекин у «Бунёдкор»ни ташлаши кераклиги ҳақида айтиб ўтишган. Бирок, шу кунгача ҳаттоки шу мавзу (танқид эмас, тавсия) да чиқиш қилишга ботина олишмагани мени ажаблантириб келаётган эди”, — деган.

Ҳа, тўғри: мен ҳақиқатдан ҳам Миржалол Қосимовга охиригача имконият бериш тарафдориман. Ҳа, тўғри: мен ҳам Қосимов бор эътиборини фақат миллий

терма жамоага қаратиши лозимлигини айтиб ва ёзиб келганман.

Қаерда дейсизми? Stadion.Uz таҳририяти, журналистлар ва мухлислар билан бўлган ўзаро савол-жавобларда, шу жумладан, Stadion.Uz сайтидаги собиқ конференцияда шу фикрларни таъкидлаб келганман. Лекин жаноб Шоқиржонов бу чиқишларимдан қоникмабди, шекилли, мавзунини алоҳида тавсия-мақола тарзида ёзмаганимни қоралабди ва менинг “қўрқоқлим”дан ажанбланибди.

Қаранг-а: Қосимовни “Бунёдкор”дан кетиши лозимлигини алоҳида мақола қилиб ёзган Шоқиржонов аслида жасур инсон экан-у, мен билмай юрган эканман! Жаноб журналистлар “қатта” ва “қаҳрамонона” ишга — тавсияга — қўл ўрибди-ю, мен кеч қолибман! Узр, узр, минг бора узр!..

Ҳозирги вазиятда Шухрат Шоқиржоновнинг ўрнида бўлганимда бундай тутуриқсиз “айблов”ларни кўтариб чиққандан кўра, Мираброр Усмоновнинг: “Журналистлар билан очик мулоқот қилишга, уларнинг танқидларини тинглашга тайёрман” — деган баёнотидан фойдаланиб, ЎФФ раҳбари ва МТЖ бош мураббийи билан махсус давра суҳбати ташкил қилишни талаб қилган бўлардим.

(Давоми кейинги саҳифада)

ЖУРНАМАГНАТ ТАЛВАСАСИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Лекин медиамагнат жаноблари бунга талаб қилиш ўрнига “Қосимов тарафдорлари”ни аввалдан айтилиб келинаётган мавзунга алоҳида мақола қилиб ёзмагани ҳақида “ажабланиш” билан банд.

Энди Шокиржоновнинг жасурлиги ҳақида. Жаноб медиамагнат терма жамоа ўйинларидан олдин ва кейинги аксарият матбуот анжуманларида иштирок қилиб келади. Журналистларнинг матбуот анжуманлари бошланишидан олдин бўладиган ўзаро суҳбатларида бу жаноб жуда тўғри, кескин ва танқидий фикрларни билдиради. Лекин матбуот анжумани бошланиши билан Шокиржоновнинг оғиз бўшлиғи негадир бирдан ёпилади ва боягина янграб турган ўринли фикрлари тиш-лабларнинг тўсиғидан ўтолмай ичида қолиб кетади.

Лекин матбуот анжуманлари тугагандан кейин компьютер олдига ўтириб олиб, ўз фикрларини ТОТТИ каби никлар остида шунақанги ёзадики, клавиатураси йиғлаворса керак. Журнамагнат жаноблари бошқа ҳолларда ҳам шу йўлдан юради. Масалан, яқинда Twitter тармоғидаги ёзишмаларида: “Бобомурод Абдулла — ЎФФнинг одами” деган мавзуда роса фалокат кўрсатиб, “Нега Мираброр Усмонов ўз телеинтервьюсида Эрматовнинг асосий танқидчиси Бобомурод Абдулланнинг исмини тилга олмайди?!” – дея хўрсинибди.

Шокиржонов шу мавзунга ҳам алоҳида мақола ёки тавсия тарзида ёзса бўлмайди? Ёки у ҳам “Қосимов “Бунёдкор”дан кетиши керак!” – деган фикрни алоҳида мақола тарзида ёзишга “ботина олмаган” Бобомурод Абдулла каби ботина олмаяптими?!

Қосимов масаласида Шокиржонов билан ҳамфикр бўлган бошқа баъзи журналистлар ҳам матбуот анжуманларидан олдин, анжуманлар пайти ва улардан кейин ўзларини худди жаноб журналмагнатдек тутишади: анжуман бошланди дегунча айтаётган фикрларию бермоқчи бўлган саволларини ичларига ютиб, индамай чиқиб кетишади. Қахрамон Асланов деган жаноб эса ўз фикр-саволларини эркин ва очик баён этган журналистларни “Улар матбуот анжуманига ўзини жасур қилиб кўрсатиш учун боришади ва дангал савол беришади” – дейди. Ўзи дангал савол беришни эплай олмайди, эплай олганга эса лой чаплайди, бузукниятликда айблайди.

“Зато” анжумандан кейин бундай зотлар сайтлар ва ижтимоий тармоқларга кириб, эркин фикр билдиришни қойиллаштишади. Уларнинг бу ҳаракатлари – виртуал ғийбатдан бошқа нарса эмас. Тўғри-да: бош мураббий ёки футбол федерацияси президенти билан бўлган реал учрашув пайти очик айта олмаган фикрларини кейинчалик турли сайтларда эмин-эркин “ошқора” этишлари фақат кўрқокликнинг эмас, ғийбатнинг ҳам белгисидир.

Улар ҳақиқатдан ҳам ўзбек футболининг камчиликларини фож қилиб, бу борада амалий ёрдам беришмоқчи бўлишса, нега сон-саноксиз матбуот анжуманларию учрашувларда ўзларини соқовлардай тутиб, биронта савол бермай, биронта фикр билдирмай чиқиб кетишади? “Шокиржонов ва Ко”нинг мана шу кирралари мени “ажаблантиради”.

Бобомурод АБДУЛЛА

Ўзбекистон Ялпи Ички Маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичларига кўра киши бошига 1737 доллар билан дунёда дунёда 134– ўринда туради. (ru.wikipedia.org). ЯИМ содда қилиб айтганда бир мамлакатнинг ишлаб чиқариши (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳк) ва хизматларининг (таълим тарбия, соғлиқ ва ҳк) умумий нархини билдиради. Бу кўрсаткич киши бошига доллар ҳисобида олиб борилади. Бу кўрсаткич бўйича масалан, Россия 14247 доллар билан дунёда 48 – ўринда Қозоғистон 11770 доллар билан 60 – ўринда, Туркия эса 10609 доллар билан 63 – ўринда туради.

ИҚТИСОД: МЕҲНАТ, ПУЛ ВА ЭРКИНЛИК



Нега Ўзбекистон бу қадар қоқоқ? Бу қоқоқликни халқимизнинг кундалик ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин. Аҳолининг асосий қисми қашшоқ, меҳнатга лаёқатли инсонлар Ўзбекистондан қочиб кетишган, қолганлар эса камбағаллик билан чор-ночор кун ўтказмоқдалар...

Шундай табиий савол туғилади: Иқтисодий тараққиёт қандай омилларга боғлиқ ўзи? Бу саволга қисқача шундай жавоб бериш мумкин:

– Аввало мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига, яъни табиий захиралари, ишчи кучи ва ҳк.

– Мамлакатнинг географик жойлашувига, яъни унинг халқаро савдо ва тижорат учун қулай худудда жойлашганига, денгиз йўлларига яқинлигига.

– Мамлакатдаги ижтимоий сиёсий тузумга, яъни фуқароларнинг ташаббус, фикр, ихтиро, тадбиркорлик, эркин меҳнат қилиш эркинлиги таъминланганига.

– Мамлакатнинг бошқа давлатлар билан сиёсий ёки иқтисодий иттифоқларга аъзо бўлишига ва ҳк..

Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан фақат биринчи модда бўйича яхши кўрсаткичларга эга. Яъни, бизнинг моддий захираларимиз

– йилига 4 миллион тоннага яқин пахта,

– 7 миллион тоннага яқин буғдой,

– 100 тоннага яқин олтин,

– нефт ва газ, фойдали металл қазилмалари,

– ёш ишчи кучига эгамиз.

Аммо Ўзбекистон денгиз йўлларига узоқ (яъни дунёда иқтисодий жиҳатдан изоляцияда қолган), бошқа давлатлар билан иқтисодий иттифоқи заиф бўлган бир давлатдир.

Энг даҳшатлиси мамлакатимизда фуқароларнинг тадбиркорлик, ташаббус,

ихтиро, фикр, меҳнат, тижорат, саёҳат эркинликларини йўққа чиқарган диктатура мавжуддир. Ўзбекистонда замонавий бозор иқтисодиётининг қоидалари йўлга қўйилмаган, хусусий мулкчилик амалда жорий қилинмаган, макро ва микро иқтисодиёт қоидалари иқтисоди тараққий қилган давлатларда бўлгани каби рационал (самарали) шаклга ўтказилмаган. Бу соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси хўжақўрсинга, яъни қилинмаган ишларни қилинди, дея ёлғон рапортлар ёзишга (худди совет даврида пахта етиштиришда кўшиб ёзишлар бўлгани каби) асосланган.

Президент Каримовнинг иқтисодий сиёсати аввало унинг шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлашга, кейин иқтисодий соҳада бутун ташаббусни ва ижрони марказий ва маҳаллий ҳокимияти идораларига (шахсларнинг ташаббус ва тадбиркорлигига эмас) беришга қаратилган. Яъни, эски таъбир билан айтганда маъмурий– буйруқбозлик тизимига асосланган...

Масалан, мустақилликдан кейин давлат автомобилсозлик саноатида ташаббусни ўз қўлига олди. Андижонда аввал корейлик, кейин амеркаликлар билан автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ташаббусдан мамлакатнинг даромади тахминан 2,5 миллиард долларни ташкил қилди. ЯИМ кўрсаткичларида бу даромад 5 миллиард доллар шаклида ўз ифодасини топган (чунки бу кўрсаткичда инсонларни иш билан таъминлаш, яъни хизмат ҳам қиради) деганимизда ҳам, Ўзбекистон қўшни Қозоғистон билан тенглашиш учун камида 300 миллиард долларлик ЯИМга эга бўлиши керак эди. Ҳозирда бу кўрсаткич 50 миллиард долларга ҳам тенг эмас...

Ушбу айтилганлар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида қандай хато мавжудлигини ўз ўзидан кўрсатиб турибди. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ёпиқ худудда жойлашган, давлатлар ораси муносабатлар адолатга асосланмаган...

Бундай мураккаб ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли сиёсий барқарорликни қўриган ҳолда инсонларни иқтисодий эркинликлар билан таъминлашдан иборатдир. Яъни, зудлик билан ернинг хусурийлаштирилиши, эркин деҳқонлар уюшмаларига йўл очиш, эркин тадбиркорлик, кичик ва ўрта корхонларнинг хусурийлаштирилиши, тижорат саёҳатини эркинлаштириш, бозорларни эрикнлаштириш, эркин пул ва валюта сиёсатини жорий қилиш.

Хуллас, эркинлик, эркинлик ва яна бир марта эркинлик...

Инсонларни ва умуман халқни ўзини ўзи боқиши ва бу орқали давлатни ҳам тараққий қилдириши учун бутун эркинликлар билан таъминлаш ҳозирги вазиятда энг тўғри йўлдир.

Аммо эркинликлар диктатуралар тарафидан халққа берилмайди, улар учун ҳар бир инсон курашини зарур. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати мана шу мақсадни ўзига ғоя қилиб олган.

Намоз Нормўмин

Швеция ажойиб диёр! Ажойиблиги шундаки, у Ўзбекистонга ўхшаб қақраб ётган чўл эмас ва қўлингизни чўзинг, денгизга етади. Ёз фаслида Швеция жуда ҳам дим бўлади. Шунинг учун ҳам кечки вақтларда денгиз киргоғига тушиб, ўша ерда ором оламан. Денгиз шабадаси танангизга шундай ёқадики,

МЕН БУЛАРНИНГ ҲАММАСИГА БЕФАРҚМАН

асти сўраманг. Атрофда одамлар айланиб юришади, кимдир югуряпти, кимдир ит етаклаган. Баъзи бир йигит-қизлар жуфт бўлиб сайр қилишган. Хуллас, одамларни томоша қилиб ҳам одам зерикмайди. Кеча эдим, ёки олдинги куни эканми, хуллас кечки вақтда яланғоч билгимга бир пашша (пашшани Тошкентда ва Фарғона водийсида «чивин» дейишади) кўнди. У қонимни сўра бошлади. Оч бўлганида шунақа қилиб қон сўрадиганлар кам эмас, ҳаттоки одамлар орасида ҳам бунақалар топилиб туради. Хуллас денг, жоним ачиди ўзимга ва бир шаппат ургандим, пашша мажақ бўлиб кетди. Буни қарангки, ўзим учун жоним

ачир экан. Бир қанча вақтлардан бери ўз ватандошларим учун жоним ачимайдиган бўлиб қолганман. Чунки уларнинг танаси бошқа-да. Ватанимда одамларни ноҳақдан ноҳақ қамайдилар, қийнайдилар. Келинлар эрсиз, болалар отасиз,

аллақайси гадой топмас жойларда фоҳиша бўлишсин. Мен буларнинг ҳаммасига бефарқман. Чунки мен ўзбекман!

Биродарлар, кўпларингизнинг бадларингизга ҳам урдим. Мана шу бефарқликларингиз, лоқайдликларингиз учун миллат хўрланаяпти деб. Бу

ҳукуматдорларнинг қўли тирсагигача қон ва мен улар учун ачинмайдиган бўлиб қолганман. Бу ҳам бахт азизлар. Мен ҳам худди сизлардек, ўз биродарларим учун, дўстларим ва қавмим учун жон куйдирмайдиган бефарқлардан бирига айландим. Ахир сиз шунақасиз-ку! Нега сиз бунчалар бахтлисиз деб кўп ўйланардим. Бахт эса мана шу бефарқликда экан. Майли, қирғизлар ўзбекларни отсин, куйдирсин. Майли, Ўзбекистон турмаларида ўзбек «ўғлонлари» бошқаларни қийноқларга солиб ўлдиришсин. Майлига, йигитларимиз мардикор бўлиб скинхедлар қўлида жон берсин, қизларимиз эса Дубайда, Туркияда, Ҳиндистон ва яна

сифатлар инсонга бахт келтира олишини, ором яшашга ўргатишини эса билмаган эканман. Мен ҳам энди сиз қаторингизда лоқайд ва бефарқман ва энди мени сафларингизга қабул қилинг. Утмишдаги хафачиликларни эса унутинг. Узр сўрайман сизлардан. Зотан, энди биз — сизу-мен бир қайикдамиз. Дунёда 30 миллиондан ортиқ ўзбек бор ва ундан бир неча минги қамайиб қолса, бу катта кулфат эмас-ку ахир. Шунинг учун ҳам худди сиздек лоқайд ва худди сиздек бефарқ бўлмоқликка қарор бердим. Бироқ бу қароримга қанчалар содиқ қолишимни эса ҳозирча билмайроқ турибман.

Тўлқин Қораев

THE ECONOMIST: «РОГУН РЎЁ ВА Ё ЎТА НОРЕАЛ ЛОЙИҲА...»

Яқинда дунёдаги энг катта чойхона қуриш ниятида...



Британиянинг нуфузли нашри The Economist Тожикистондаги гидроэлектр манбаларига доир мақола чоп этган. Танқидий руҳда ёзилган мақола асосан Роғун лойиҳасига бағишланади.

Ўта кашшоқ, аммо сувга бой Тожикистон электр энергияси иншоотларини қуриб — қўшни Афғонистон ва Жанубий Осиёга электр энергияси сотишни орзу қилмоқда, деб ёзади The Economist.

Назарияга ишонилса, 335 метр баландликдаги Роғун иншооти Тожикистонни кашшоқлик ва якканишин ҳолатдан қутқариши керак.

Бу дегани, The Economistга кўра, мамлакат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини икки қарра оширади.

Аммо айни лойиҳа бир рўё бўлмаса, ўта нореалдир.

Роғун рўё...ми?

Роғунни қуриш 6 миллиард АҚШ долларига тенг сармоа талаб қилади.

2012 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 7.6 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

Қўшни Ўзбекистон эса бу лойиҳага ашаддий қаршилик билдирмоқда.

Сармоа муҳити эса, The Economistга, коррупцияга ботган.

Шўролар даврида режаланиб кейин аро йўлда қолган бу лойиҳа 2000 йилларнинг

бошларида яна кун тартибига қайтарилди. Давлат тарғиботига кўра, Роғун мамлакатда электр тақчиллиги билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этади.

Аммо халқаро донор ташкилотлар жаноб Имомали Раҳмонга ишонишмайди, деб ёзади The Economist.

Энг баланд, энг катта...

ТАЛКОНинг миллионлари Роғунга сарфланадими?

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг бешдан икки қисми ТАЛКО алюминий завоидига сарфланади.

The Economistга кўра, ТАЛКОНинг юзлаб миллионлар доллар фойдалари эса Британия Виржиния оролларидаги ширкатнинг ҳисобига тушади.

ТАЛКОНи Тожикистон президенти назорат этади деб даъво қилади The Economist. Хўп, унда нима учун Раҳмон жаноблари бу ширкат келтираётган фойдаларни Роғун қурилишига сарфламайди деб савол қўяди нашр.

Ўзбекистон Роғун қурилиши билан ўз пахта далаларидан сув тортилиб қолиши ва бу Тожикистонга сиёсий ўйинда қўли баландроқ келиб қолади деб ўйлайди.

Президент Каримов ҳатто айни масала урушга етаклаши билан ҳам огоҳлантириб чиқди.

Аммо Роғуннинг ҳажми ва баландлигини савол остига олинишини Раҳмон жаноблари ёқтирмайди.

2004 йилда РусАЛ ширкати Роғунни қуриш учун сармоа ётқизиш, аммо баландлигини 50 метр пастроқ қилиш таклифи билан чиқди.

Президент Раҳмон бунга рози бўлмади ва ширкатдан мамлакатни тарк этишини сўради, деб ёзади The Economist.

Президент Раҳмон дунёдаги энг баланд байроқ устунини қурди.

Шундай бир ҳолатда ўқитувчилар ойлаб маошларини олишмайди.

Ойига 30-40 доллар ишлайдиган ўқитувчи яна Роғун акцияларини сотиб олиши керак, деб ёзади The Economist.

The Economist

«Роғуннинг раҳбар мутахассисларидан бирдан статистик маълумотлар сўралганида у Wikipediaга мурожаат қилди»

Агар Роғун қурилса ҳам бу мамлакатдан электр энергияни экспорт қилиш осон бўлмайди.

Қирғизистон билан бирга Тожикистон Жанубий Осиё мамлакатларига тортила-жак электр энергияси йўллари учун бир миллиард АҚШ долларига тенг сармоа кидирмоқда.

Тожикистоннинг бошқа зудлик билан ҳал этилиши лозим муаммолари ҳам бор.

Нурек гидроэлектрстанцияси таъмирга муҳтож.

Оддий бир йўлда таъмир учун 1 миллиард доллар керак бўлади.

Тожикистон Роғунни бир ўзи қуролмайди.

Мамлакатнинг аксар олимлари ва мутахассислари чет элларга чиқиб кетишган.

Роғуннинг раҳбар мутахассисларидан бирдан статистик маълумотлар сўралганида у Wikipediaга мурожаат қилди, деб ёзади The Economist.

Мамлакатдаги коррупция ҳолатига кўз юмиб бу лойиҳани уудалаш мумкин бўлган давлатлар Россия ва ё Хитойдир.

Аммо иккала давлат ҳам минтақанинг энг аҳолиси кўп ва йирик армияга эга Ўзбекистоннинг ғазабини кўзготиб қўйишни истамайди.

The Economistга кўра, Раҳмон жаноблари агар сал пастроқ тушишни истаса унда мамлакатни кишда ҳам электр билан таъминлаши мумкин бўлади.

bbc.co.uk

6. АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Тарихни яширмак, уни сохталаштирмак Советларнинг жамиятни "манкурт"лаштириш сиёсатининг бир парчасидир. Бу даврда "ягона Совет халқи"* ярагиш мақсадида миллатлар хотирасидаги "тарихий ришталар"ни* узишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун аввало тарихий шахсларни қоралаш компаниялари ташкил этилиб ўз қадрини билмаган, тубанлик комплексига бурканган, илдизсиз бир жамият курмоқ истадилар. Бу сиёсатдан асл мақсад Туркистонда яшаган турк қавмларига уларнинг давлат анъаналарига эга эмаслиги

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

ҳақидаги фикрни сингдириш бўлгандир Туркистонда қурилган давлатларнинг доимо агрессив бўлганлиги, Туркистон ҳукмдорлари "дунёнинг энг золим ва энг аҳмоқ" кимсалари бўлганлиги, илм ва фикр одамларининг эса "дунёдан беҳабар, феодализмга хизмат қилган мафкура қурбонлари" сифатида кўрсатиларди.

Шунингдек миллий туйғу ва миллий бирлик фикрини талқин этгани учун "Туркистон" сўзини сўйламак ва умуман тарихга оид хур фикрлар баён этмак таъқиқланганди. Бунга қарамасдан фикрини айтганлар эса совет мафкурасининг шиддатли ҳужумига учраганлар.

Муҳаммад Солиҳ "Юлдузли тунлар" романинг муаллифи Пиримкул Қодиров ва "Ўлмас қоялар" романинг муаллифи Мамадали Махмуд каби ёзувчиларнинг юқорида айтилган сабаблардан қаттиқ танқидга учраганини, ва бу кўрқувдан тарихий романлар оз ёзилганлигини бидиради.

Амир Темур Туркистон турклиги етиштирган сўнгги жаҳонгирдир. Темурнинг вафотидан кейин давлат парчаланди ва Туркистонда миллий бирлик ҳеч ўрнатилмади. Туркистон турклари Темурдан кейин хонлиқлар тарафидан идора этилди. Бу сабабдан Амир Темурни Туркистон турклари буюк ҳурмат билан ёд этишади. Фақат Совет идорасининг тарих олдидаги кўрқуви сабабли Темурни мадҳ этмак, у ҳақда асарлар ёзмак таъқиқланганди. Лекин шоир ва носирлар, нима бўса бўлсин, туйғу ва тушунчаларни бирор бир шаклда ифода этишга доим интилганлар ва бунинг йўлини ҳам топабилганлар.

Муҳаммад Солиҳ Амир Темур ҳақида бири мансуда, иккиси шеър - учта асар ёзган. Буларнинг учаласи ҳам Совет даврида, Темур ҳақида ёзиш таъқиқланган йилларда ёзилган. Шоир асарларида Темурнинг исмини зикр этмасдан, унга имо қилади ҳолос.

"Ҳайкал соясида" мансурасида Темур хануз ишини битирмаган бир ҳайкалтарош сифатида кўрсатилади. Туркистоннинг миллий бирлиги ва истиклолининг тимсоли сифатида қабул қилинган буюк жаҳонгир - ўлмаган унинг ўз миллатини истиклолга эриштирамак ва буюк Туркистон давлатини курмоқ каби муҳим вазифалари бор.

Темурнинг руҳи шоирнинг миллий ту-



шунчаларига илҳом қайноғи бўлиб, унга кувват беради:

*"От устидан ўлтирган
жаҳонгир ҳайкали бу.
Йўқ, бир қарашга
шундай туюлади ҳолос.*

Ишонмасангиз, диққат билан кузатинг: Бу одам мутлақо жаҳонгир эмас, ҳайкалтарошнинг ўзи.

Янада диққат қилсангиз, унинг қўлидаги шамшир тош йўнадиган асбобга айланади. У худди отнинг қулоғига сайқал бераётгандай.

*Йўқ, бу жаҳонгир эмас,
жаҳонгир аллақачон ўлиб кетган.
Бу одам – ҳали ҳам
ишини тугатмаган ҳайкалтарош".
(1982)*

Шоир "Йиқилганни тепма" деб аталган шеърда Амир Темурнинг таҳкир этилишидан қайғуради, чунки нима бўлса бўлсин, у буюк жаҳонгир. У оддий инсон каби тамоғига балиқ қилтаноғи қадалиб ўлмади, тамоғига туғ текилиб ўлди. Унинг ланг оёғига у истило қилган давлатларнинг байроқлари ўралди ва у шунинг учун йиқилди:

*Ўлмади у балиқ қилтаноғидан,
Унинг тамоғига туғ текилган бил,
Йиқилса ҳам унинг ланг оёғига,
Яловлар (байроқлар)
ўралиб йиқилгандир ул.*

Муҳаммад Солиҳнинг Амир Темур ҳақидаги яна бир шеъри шоирларнинг Совет даврида қандай шароитда яшаганини кўрсатадиган бир ўрнақдир. Шоир маълум тарихий шахсларни изма-из санаб, худди фол очгансимон, мажҳул бир шахсиятга, Амир Темурга бизни олиб келишга уринади:

*Минг ярим йил бери Шоҳ Искандардан,
Кўкхун Аттилодан ўн аср йироқ,
Ўн уч аср кейин Юлий Қайсардан,
Махмуд Фазнавийдан*

*уч юз йил берроқ.
Аммо Бонапартдан тўрт
юз йил нари,
Яна ҳам нарироқ Орий Буқадан ...*
Инқилобдан олти аср илгари*

*Демак олти юз йил биздан муқаддам,
Чунки у Бобурга яқин жуда ҳам,
Эҳтимол, етмиш йил,
етмиш ҳам чиқмас
Улузбекка эса жуда ҳам яқин,
Сарой бўсағасин хатлаб ўтсанг бас !*

* Орий Бука – Адолф Хитлер назарда тутилган.

7. ҲАЁТ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг шеърларида кундалик ҳаётга оид тасвирларга кўп дуч келишади. Унинг шеърларини ўқиб, Совет Империясидаги турмуш тарзининг хусусиятларини тасбит этмак мумкин-дир.

Бу шеърлар 1990 йилгача хур дунёга жаннат деб ташвиқот қилинган мамлакатнинг аслида жаҳаннамга кўпроқ ўхшаганини кўрсатгани учун муҳим аҳамият касб этади. Етмиш йил давом этган Совет ҳокимияти даврида инсонларга уларнинг ҳаёти мукамал бир ҳаёт эканлиги, бошқа мамлакатда эса халқлар жуда ёмон яшаётганлиги уқтирилар эди. Бунга ишонганлар бўгани каби, ишонмаганлар ҳам бор эди. У ўзига талқин қилинган ҳаётнинг талқин қилингандан бошқа эканлигини англаган шоирдир. У ўзининг "Болалар ва оталар" шеърда ўз фикрини шундай тилга келтиради:

*Болалар дунёни бошқача кўрар-
Оёғни осмонга қадаб,
Кўлида юради болалар
Дунёга бошқача қаромак учун
Дунёни ўзгача тушунар чоллар-
Кечқурун, хиёбонда,
Ўтаган-кетганларга парво қилмай ҳеч,
Мутаола этарлар
Газетани тескари ушлаб.
Дунёни бошқача кўрар болалар,
Чоллар ҳам ўзича ўқийди уни.*

Ўзи яшаётган ҳаётга эътироз қилиб шоир ҳақиқатнинг кўринган шаклидан бошқа эканлиги, унинг тескарисини эканлигини ифодалайди.

Шоир яна бир шеърда ҳаётнинг бутун соҳаларида кирланиш, бузилиш юз бераётганини ёзади. Аммо ҳали-ҳам бузилмаган, ифлосланмаган баъзи нарсаларни борлигини кўриб хайратланади, ўзининг булбуллигини суистъёмол қилмаган бир булбулни кўриб, шоир хайратга тушади. Шеър ёзилмаган бир гулга дуч келиб, хайрон бўлади. Уни энг кўп хайратлантирган нарса эса бирор одам тарафидан бошқа бир одамга қараб отилмаган тошдир:

*Мен тош кўриб қолдим дафъатан
Ҳеч қачон, ҳеч кимга отилмаган тош !*

Муҳаммад Солиҳ "Балки" номли шеърда "балки" сўзининг инсонни бу ҳаётда боғлаган унсур эканини айтади.
*Ҳар кун,
Ҳар лаҳза,
Тинимсиз,
Қармоқ пўкагидай сирли "лик" иллар
Замин узра "балким" деган сўз.
Шуъайб Қороқош (Туркия)*

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ боран она сутидан ташқари бирор бошқа озука бериладиган**Бир доя ҳикоя қилади:**

“Касалхонамизда охириги пайтларда “Цезар амалиётлари” жуда кўпайиб кетди. Докторлар амалиёт эҳтиёжини чақалокнинг тескари туриши, кети билан келиши, «туғиш куни ўтиб кетди», чақалокнинг омнион сувига ахлат чиқариши эҳтимолига қарши бир чора ўлароқ кўрадилар. Туғаётган хотинлар эса бу амалиётга табиий тўлғоқдан кўрққанлари учун рози бўладилар. Яъни ортиқча оғриқларсиз туғиш, ҳеч нарса ҳис қилмаслик ва, ҳаттоки, гинекологик алфоз(позиция)да ётишдан уялгани учун нормал туғишдан қочадилар.

Ҳозирги аёл туғдириш мутахассислари ўзларига қулай кун ва соатни танлаб, “цезар амалиёти”ни амалга оширадиганлар.

Ҳолбуки, туғиш амалга ошириладиган ер, кун, соат, дақиқа инсон учун ўта муҳим. Масалан, Исо алайҳиссалом Назаретда, ўша ғорда, ўша кунда, ўша соатда, ўша дақиқаларда дунёга келмаганида унинг ҳаёти бошқача бўларди. Мазкур қоида бошқа пайғамбарлар ва инсонларга ҳам тааллуқлидир.

Туккан аёлнинг нифос (туғишдан кейинги қонаш) даври

Ўғил бола туккан соғлом аёлнинг нифос (туғишдан кейинги қонаш) даври 25-30 кундир, қиз бола туккан аёлнинг нифос даври эса 35-40 кун.

Соғлом аёлнинг туғиш қонашлари борган сари камайиб боради. Қонашларнинг баъзан камайиб, баъзан кўпайиши аёл ҳолати анормал (ноодатий, номеъёрий) эканлигидан далолат беради. Бундай ҳолатда ичакларни бўшатиш, 3 кун давомида мева-сабзавот суви ичгандан кейин озикланишни тузатиш, анусга зулук кўйиш ёки бел ва думғазадан хожамот килиш керак бўлади.

Чақалокни парвариш


Янги туғилган чақалокларнинг териси жуда нозик ва юпқа бўлиши сабабли танасига теккан ҳамма нарса қаттиқ ва совуқ туюлади ҳамда чақалокни безовта қилади. Шу сабабдан, киндик боғи кесилгандан кейин ва териси тозалангандан кейин чақалокни 1 литр суга 1 ош қошиқ тош тузи қўшиб тайёрланган илиқ сув билан артилиши керак. Тузли сув чақалок терисининг бироз қаттиқлашишини таъминлайди. Аргаётганда тузли сув чақалокнинг оғзи ва бурнига кириб кетмаслигининг чораларини кўриши керак.

Илк 40 кун давомида чақалокнинг кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тегиниш қобилиятлари ҳали ривожланмаган бўлади. Аммо уларда бошқа мезонларда кўриш ва эшитиш қобилияти бор. Бу қобилият чақалокларда 40 кун давомида пардаланмайди, фаол ҳолатда бўлади ва улар бизнинг кўра олмайдиган баъзи ҳақиқатларни, ҳатто инсонларнинг ҳақиқий юзини кўра оладилар. Шу сабабдан, туғаётган аёлнинг атрофида турган кишиларнинг маънавиятли кишилар бўлиши ўта муҳимдир. Токи, чақалок онасининг жанатмисол қорнидан чиқиб, дунё ҳақиқатларидан кўркиб кетмасин.

Эмизиш

Туккандан кейинги илк кунларда онанинг кўкракларидан келадиган қуюқ сутга “оғизсут” дейилади. Ҳомиладор аёлнинг кўкраклари учда 9 ой давомида пайдо бўлган микроблар эмизилган “оғизсут” орқали чақалокқа ўтади.

Чақалокқа бериладиган дастлабки



озука айнан ана шу “оғизсут” бўлиши керак, чунки бу сут чақалокнинг ичакларига фойдали микробларни экади.

Бу пайтда чақалокқа бўтқа ёки шакарли сув берилса, мазкур озукалар ичакларга “оғизсут” воситасида экилган фойдали микробларни задалайди ва ичак касалликларига йўл очади.

Онанинг ва чақалокнинг ҳолатига кўра кўкрак сути туғишдан кейин дарров ёки 1 кун, 2 кун ёки бўлмаса 3 кундан кейин келиши мумкин.

Сути келишидан олдин чақалокқа ҳеч нарса бермаслик керак, сабр ва ҳузур билан сут келишини кутиш керак, ризқни тақсимловчи ва чақалокнинг ҳаётини ва ризқини берган Аллоҳга ишониш керак.

Сут 3 кун ичида келмаса, чақалок она қорнида бирон-бир зарар кўрган бўлади. Сутсиз ўтган 3 кун чақалокқа бу зарардан очлик билан қутулиш учун Аллоҳ томонидан берилган бўлади.

Бу ҳолатда ҳам чақалокқа ҳеч нарса бермаслик керак, бошқа аёлдан олинган кўкрак сути ҳам чақалокқа зарар бўлади.

Сут келганда илк 3 кун давомида чақалокни 3-4 мартадан ортиқ эмизиб бўлмайди. Эмизишдан олдин чақалокни бироз йиғлатиш ва енгил бадантарбия (гимнастика) қилдириш жуда фойдалидир. Булар ошқозон, ўпкалар, юрак ва жигарни кучлантиради, қонни тозалайди ва ҳазмни осонлаштиради.

Чақалокни секин тебратиш унинг мия ва асаб тизими учун ўта фойдали бўлиб, чақалокни тинчлантиради. Фақат эмизгандан кейин йиғлатиш, ҳаракат қилдириш ёки қаттиқ тебратиш чақалок учун зарарлидир, унинг ҳазмини бузади, ошқозонида ичакларида газ (дам) ҳосил қилади.

3 кун кейин чақалокни тез-тез, яъни ҳар 2-3 соатда оз-оздан эмизиш керак. Мана шундай тарзда эмизилган чақалок сути осон ҳазм қилади. Ортиқча эмизилган сутнинг ҳазми кийин бўлиб, бундай сут охиригача ҳазм бўлмайди. Шу сабабдан чақалокларда қушиш ва газ (дам) оғриғи кўп учрайди.

Болаларда газ ҳосил бўлиши ва қорин шишиши онанинг аралаш ва айниган таомларни истеъмол қилганидан юз бериши мумкин. Бу ҳолатда она аввало ўзининг озикланишини тартибга солиши керак. Чақалокқа эса дори сифатида чой қошиқда шивит, фенхель ёки арпабодиён чойи берилиши керак, бу чойларни онаси ҳам ичиши керак.

17-20 ойгача чақалок фақат она сутига эҳтиёж сезади. Бундай ёшдаги бола организмизда фақат она сутини ҳазм қилиш учун мўлжалланган ферментлар бўлади ва шу сабабли бола бошқа озукаларни умуман ҳазм қила олмайди, бошқа озукалар боланинг ошқозони ва ичакларида газ ҳосил қилади. Ана шунинг учун ҳам олдинги замонларда бизнинг момоларимиз чақалокларга овқатни ёки нонни ўзлари чайнаб, яъни ўзларининг ферментлари билан чайнаб беришган.

Бу нарса чақалокларда ҳазмни осонлаштирган. Чақалокқа 12-чи ойдан эъти-

бўлса, худди шундай тарзда, яъни чайнаб берилиши керак.

“Сутдан чиқарилиши икки йилдир” (“Лукмон” сураси, 14-чи оят) ва “Она қорнида бўлиши ва сутдан кесилиш муддати ўттиз ойдир” (“Анқоф” сураси, 15-чи оят) оятларига кўра, қиз ёки эркак бўлсин, чақалокларни 21-24 ой эмизиш фарздир. Чақалокнинг она қорнида ўтказган вақт билан эмизиш муддатининг оятларда келтирилиши она сути билан эмизиш вақтининг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини еб-ичадиган, кимёвий дори, косметик ва кир ювиш воситаларини ишлатадиган оналарнинг сутига юзлаб, ҳаттоки минглаб қўшимча моддалар бўлади. Чақалоклар бундай сути эмишни хоҳлашмайди ва юзларини ўгирадилар.

Шундай экан, бундай моддаларни ишлатишни тўхтатиш керак.

Бу ҳолатда долчин, занжабил, чиннигул, заъфарон, тимьян, қоразира ишлатиш, кўп микдорда суюқлик ичиш ва чақалок эммаган сутини соғиб ташлаш керак, бу сути кўпайтиради ва тозалайди, сутнинг хидини ва таъмини яхшилабди.

Жинсий муносабатда тез-тез бўлиш ҳам она сутини камайтиради, сутнинг хидини ва таъмини бузади.

Она сутини кўпайтирувчи дорилар:

Карам ўртасидаги томири билан биргалликда ейиш ёки карам сувини ичиш (айниқса, “В” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб кишилар учун),

Сабзи ейиш, сабзи сувини ичиш ёки сабзи уругини майдалаб қунига 1-2 марта 1 чой қошиқдан истеъмол қилиш,

Фенхель томирини овқатларга қўшиш ёки фенхель чойини ичиш,

Арпа сувини қоразира ва асал билан ичиш,

Қоратундак, седана, арпабодиён ва қичитки ўтини овқатларга қўшиш ёки чой сифатида ичиш она сутини кўпайтиради.

Қоразироворлардан долчин, занжабил, чиннигул, заъфарон, тошчўп, қоразира истеъмол қилинса, бу қоразироворлар она сутини микроэлементларга бойитади, сутини кўпайтиради, унинг хидини гўзаллаштиради. Қоразироворларни бошқа нарсалар билан бирга эмас, аралаштирмасдан, алоҳида-алоҳида қилиб, тартиб билан истеъмол қилиш ишончлидир.

Сут кўпайиши учун кўп сут ичиш эмас, кўп мева ва кўкат ейиш ва сув ичиш керак.

Эслатма: Она сути билан қисқа муддат эмизилган ёки ҳеч эмизилмаган болаларнинг буйраклари етарли даражада ривожланмайди ва умурткалари деформацияга (шаклий ўзгаришга) учрайди.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Иўлдош